



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ СОҶАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

“Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби”

Гофуров Иброҳим Усмонович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос олим

“Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”

Назаров Бахтиёр — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос олим
Неғматов Соғибжон Содиқович — Ўзбекистон Фанлар академияси академиги

“Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси”

Умиров Чори — меҳнат фахрийси, бахши

“Ўзбекистон Республикаси халқ rassоми”

Содиқов Марат Файзиевич — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, график rassом

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи”

Қодиров Рауф Гофурович — Ўзбекистон давлат консерваторияси Муסיқий педагога кафедраси профессори, муסיқашунос
Сатторов Зафар Раҳмонович — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабининг эркин кураш бўйича мураббийи

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2017 йил 24 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис

Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Сенаторлар ишни “**Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқилган бошладилар. Қонун 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралда қабул қилинган “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2761-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН ВА УКРАИНА ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛГАНИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини қутладилар.

Украина Президенти Пётр Порошенконинг табрик мактубида бундай дейилади: «Сизни муҳим сана — Украина ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги билан самимий муборакбод этаман».

Пётр Порошенко давлатларимиз ўртасидаги чорак асрлик тенг ҳуқуқли муносабатлар бундан буён ҳам ўзаро ҳамкорликни хар томонлама ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мактубида

ўтган вақт мобайнида мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик алоқалари ўзаро ҳурмат, манфаатдорлик ва англашув руҳида изчил ривожлангани ва мустаҳкамлангани чуқур мамнуният билан қайд этилган.

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик, аввало, савдо-иқтисодий соҳадаги алоқалар халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам янада кенгайиши ва мустаҳкамланишига ишончим қомил», деб таъкидлаган.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқимизга мансуб меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик рамзи эканини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуглаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 1 сентябрь жума кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2017 йил 1 сентябрь мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика “Нуроний”, “Маҳалла” жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва уқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 24 август

Янги ўқув йилидаги илк машғулотлар

уларни кўтаринки руҳда,
мазмунли ўтказиш масаласи
муҳокама этилди



Юксак эътироф ва чексиз ифтихор рамзи

28 август — «Эл-юрт ҳурмати»
ордени ва «Ўзбекистон
ифтихори» фахрий унвони
таъсис этилган кун



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, SANЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ СОҶАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист”

Мажнунова Рислик Тожибоевна — “Наманган ҳақиқати” газетаси бўлим мудири
Низаев Тимур Тежиевич — “Правда Востока” газетаси бўлим мудири

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими”

Генжемуратов Бахтиёр Алламбергенович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир
Зиёнов Хуршид Жавидович — Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти катта ўқитувчиси, график рассом
Исмоилова Жаннат Ҳамидовна — Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори
Ляшко Анатолий Алексеевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бўлим бошлиғи
Сапаев Сададдин Мамбетович — Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа тумани маданият бўлимига қарашли “Бўстон” ашула ва рақс халқ ансамбли бадий раҳбари

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”

Каримова Саодат Наимовна — Қашқадарё вилояти Касби тумани тиббиёт бирлашмаси чақалоклар бўлими неонатолог шифокори
Омарбаева Шаригул — Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ тумани тиббиёт бирлашмаси неонатолог шифокори

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”

Бердиев Рўзикул Саъдуллаевич — Қашқадарё вилояти “Насаф” футбол клуби бош мураббийи

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи”

Жангабаев Рустам Комилжон ўғли — оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Дўсмуротов Сардорбек Маҳмадиёр ўғли — оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”

Байманова Тамара Аллияровна — Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ туманидаги 31-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси

“Эл-юрт хурмати” ордени билан

Чусовитина Оксана Александровна — спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Зоҳидов Ромэн Абдуллаевич — Ўзбекистон Фанлар академияси академиги
Искандаров Саъдулла — Ўзбекистон Фанлар академияси академиги
Салоҳиддинов Маҳмуд — Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Математика институти бўлим мудири

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Азимов Жалолитдин Азимович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника ва зоология институти бош илмий ходими
Азимова Гулчехра Сарваровна — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби хузуридаги хореография коллежининг мумтоз рақс фани ўқитувчиси
Ақбаров Ҳамидулла Илёсович — Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети Те-

левидение ва радиоэшиттириш кафедраси профессори

Арипова Салимаҳон Фозиловна — ЎзФА Ўсимлик моддалари кимёси институти бош илмий ходими

Асадов Дамин Абдурахимович — Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, молиялаштириш ва бошқариш кафедраси мудири, профессор

Аҳмедов Исмоилжон Мамасиддиқович — Андижон олимпий захиралари коллежининг гандбол бўйича мураббийи

Господарчук Юрий Михайлович — Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Исмоилова Ўғилхон Ҳакимовна — Андижон вилояти Асака тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси врач

Исоев Норхон Кичикович — Бухоро давлат университети қошидаги 3-Қорақўл академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси

Маннонов Абдурахим Муталович — Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори

Мирзаев Мирпўлат — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Раззоқов Шокир — Хоразм вилояти Богот тумани 1-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси

Раҳмонбердиев Гаппор — Тошкент кимё-технология институтининг Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси кафедраси профессори

Садриддинов Азмиддин Садриддинович — Тошкент давлат техника университети ер усти транспорт тизимлари кафедраси профессори

Салимов Оқил Умурзоқович — иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси раҳбари

Турсунбоев Комил Жумаевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбектелефильм” студияси бўлим бошлиғи

Урманова Флюра Фаридовна — Тошкент фармацевтика институти фармакогнозия кафедраси мудири

Ҳамидов Ҳожиакбар — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Гуманитар фанлар кафедраси профессори

Ходжанов Муратбай Турдимуратович — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси Қорақалпоғистон телеканали режиссёри

Шарипова Нафиса Аъзамовна — Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги “Муруват” ногирон аёллар интернат уйи директори

Юсупбеков Нодирбек Рустамбекович — Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Тошкент давлат техника университети профессори

Эргашев Юсуфжон Ёқубович — “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи чоп этиш цехининг 6-разрядли чоп этувчиси

Эргашева Мастура Яхъёевна — Бухоро вилояти Болалар уйи катта ҳамшираси

Ҳобилов Тоҳир Абдумаликович (Тоҳир Малик) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи таъминлаши руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Авазов Исроил Турдимуродович — Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими мудири

Любич Аделина Семёновна — Республика перинатал маркази директори
Мамажонов Турсунали — Фарғона тумани “Водил чинори” халқ дорбозлари жамоаси бадий раҳбари

“Дўстлик” ордени билан

Абдурахимов Маъмураҳон Тўхтасиновна — “Фарғона ҳақиқати” газетаси адабиёт ва санъат бўлими мудири

Алимова Ҳалимаҳон — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессори

Асильов Асад Носирович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Аъзамов Қуддус Аъзамович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телеканали “Янги жамият” студияси бош муҳаррири

Бобоева Зебо Тўхтаевна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги таржима таҳририяти таржимони

Бўтаева Фариди Кўзиёвна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Голованов Владимир Иванович — Тошкент ҳайвонот боғи илмий ходими

Ғуломов Исроил Жўраевич — “Истиқлол” санъат саройи директори

Жумаев Акмал Менглиевич — Республика ихтисослашган кардиология маркази Қарши филиали реабилитация бўлими бошлиғи

Жўраева Санобархон Раҳмоновна — Андижон вилояти Асака тумани маданият бўлими қошидаги ансамбль хонандаси

Зоҳидова Машкура Исомиддиновна — “Народное слово” газетаси таржимони

Исроилов Тоҳибой Ғуломович — Театр ар-облари уюшмаси аъзоси, режиссёр

Калиева Дилфуза Тайлаковна — Ўзбекистон қозоқ миллий маданият маркази етакчи ходими

Кан Айлита Анатольевна — Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси реанимация бўлими мудири

Қораева Раҳоба Хурсандовна — Сурхондарё вилояти Сарийосё туманидаги 62-умумий ўрта таълим мактаби директори

Каримов Абдуқаҳҳор Абдусаматович — “Ўзбекфильм” акциядорлик жамияти овоз оператори

Мелибоев Аҳмаджон — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, публицист

Мирзаев Равшан Шарипович — Сурхондарё вилояти “Сўфи Оллоёр” жамғармаси раиси

Мирзамаҳмудов Исмоилжон — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Муҳамедова Раъно Тимурхоневна — Бадий гимнастика бўйича Республика олимпия захиралари спорт мактаби мураббийи

Недорезов Александр Иванович — эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

Никитина Любовь Николаевна — Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази жарроҳлик бўлими мудири

Пахомов Георгий Львович — Тошкент тиббиёт академияси факультет ва госпиталь жарроҳлик кафедраси доценти

Палуаниязова Улмекен Жолдасбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси Қорақалпоғистон радиоканали бош муҳаррири ўринбосари

Ражабов Тоҳир Юнусович — пенсионер, созанда

Ризаев Шухратилла Турсунович — “Ўзбекино” Миллий агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари

Сайпиев Акбар — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиали шифокор, травматолог

Самандаров Эркин — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Сергеев Вячеслав Алексеевич — баяндарка ва канозда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

Султанова Дина Агаевна — меҳнат фахрийси, адабий таржимон

Тўлахўжаева Муҳаббат Туробовна — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси профессори

Турсунов Убайдулла Риксибоевич — “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси офсет босма цехи чоп этувчиси

Ҳолматов Ниёзали — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрчи рассом
Ҳолтожиев Абдурахмон Акбарович — Ўзбекистон Бадий жамоалари ижодий бирлашмаси Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли созандаси

(Давоми 3-бетда.)

2017-yil 26-avgust, № 68 (9029)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, SANЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ СОҶАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда.)

Черкасова Галина Викторовна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Микробиология институти катта илмий ходими

Хотамов Азамат Камолович — Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, ҳайкалтарош

Шайхова Таусифа Валиевна — Тошкент шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонаси шифокор-психиатри

Эгамбердиев Асилбек Қўзиҳайдарович — Сирдарё вилояти белбоғли кураш бўйича терма жамоаси катта мураббийи

Эсонов Туркман — Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти доценти, ҳайкалтарош

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Шухрат” медали билан

Абдурасулова Гулчехра Ибрагимовна — Фарғона вилояти турон яккакураши бўйича терма жамоаси мураббийи

Алхамов Нормухаммад — Навоий вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси неонатолог-шифокори

Бўриев Забардаст Тожибоевич — ЎзФА Геномика ва биоинформатика маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Ганиева Зумрадхон Юлдашевна — Фарғона вилояти “Мурувват” ногирон болалар интернат уйи ўқитувчиси

Гейделбах Галина Павловна — “Ўзбекфильм” акциядорлик жамияти пардозчи-рассоми

Гулмомов Шавкат Муртазоевич — Республика “Хунарманд” уюшмаси Бухоро вилояти бўлими аъзоси, қандакор уста

Давлетмуратова Гулнора Бегдуллаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани “Тахтакўпир тонги” газетаси муҳаррири

Дадажоновна Чаросхон Ғиёсовна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va ma'rifat” телеканали Илмий-маърифий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

Жалилов Акмалжон Олимович — Наманган вилояти кардиология маркази интервенцион кардиология бўлими мудири

Ибрагимова Гулноз Ҳроқовна — Қашқадарё

вилояти Шахрисабз технология касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Эшонкулова Гулзира Самиковна — Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги “Мурувват” ногирон эркаклар интернат уйи тиббиёт ҳамшираси

Эшонжоннова Мақсуда Шокировна — “Ўзбекистон” наشريёт-матбаа ижодий уйи етакчи корректори

Киримназарова Саодат Исмоиловна — Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Куранбаева Алтинпаша Хожаязовна — Хоразм вилояти Богот тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази эпидемиолог

Мавлонова Муҳайёхон Авазовна — Тошкент вилояти Ангрэн кимё саноати касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

Мамедова Дилором Раҳматжоновна — Ўзбекистон давлат санъат музейи илмий ходими, рангтасвирчи рассом

Мирзаева Маҳбуба Султоновна — Республика онкология ва радиология тиббиёт марказининг Жиззах филиали диспансери ҳамшираси

Мирмухамедова Азиза Ҳабибуллаевна — Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази неонатология бўлими мудири

Муртазоқулов Маҳкам — Жиззах санъат коллежи ўқитувчиси

Набиева Сурайё Сайфуллаевна — “Ўқитувчи” наشريёт-матбаа ижодий уйи таҳририят бўлими техник муҳаррири

Нажимиддинов Тоир Шаҳобиддинович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Тошкент телемаркази тасвирга олиш гуруҳи смена бошлиғи

Низаметдинов Нажимиддин Ғулмомович — ЎзФА давлат адабиёт музейи етакчи илмий ходими

Раҳмонов Темиркул Тангриевич — Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази жароҳат оқибатлари ва ортопедия бўлими бошлиғи

Собиров Омонбой Атабаевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиали реанимация бўлими мудири

Содиқова Насиба Амановна — Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати мусиқа фани ўқитувчиси

Салахўжаев Рауфхон Фарҳоджонович — Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ўқитувчиси

Салимова Маҳфуза Ҳамидовна — Республика “Хунарманд” уюшмасининг Бухоро вилояти бўлими аъзоси, зардўз уста

Сейтмуратов Матеке Мухаматдинович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Нукус

телерадиомаркази кўчма техника воситалари гуруҳи катта электромеханиги

Сиддиқов Ҳатир — Ўзбекистон Бадий жамоалари ижодий бирлашмаси концерт бошловчиси

Сиддиқова Ферузахон Нўмоновна — Андижон вилояти телерадиокомпанияси директори ўринбосари

Султонова Гулбаҳор Болтаевна — Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 13-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

Тиллаўжаева Сурайё Қаҳҳоровна — Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи журнали

Тожибоева Адибахон Гаппоровна — Наманган вилояти Норин туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Толипов Самат Абдилаҳатович — ЎзФА Биорганик кимё институти катта илмий ходими

Турсунқулов Эшқул Азимович — Самарқанд вилояти Жомбой тумани “Кўкғумбаз” маданият ва аҳоли дам олиш маркази тўғарак раҳбари

Тўраев Шавкат Нишоневич — Республика Маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси

Ўлмасова Мусаввар Жамолевна — Республика дизайн коллежи катта ўқитувчиси, рангтасвирчи рассом

Ўразбаев Дарменбек Турдибекович — “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими раҳбари

Ўрмонова Тошхон Ибрагимовна — Фарғона вилояти Марғилон педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Ўроқов Аъзам Асқарович — Бухоро вилояти маданият бошқармаси тасарруфидоги вилоят кўзи охишлар махсус кутубхонаси директори

Ҳамидов Ихтиёр Муртазоевич — Бухоро вилояти Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси анестезиология-реанимация бўлими мудири

Ҳикматова Луиза Анваровна — Сув спорти турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори

Ҳолова Тожихол Ярашовна — Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги 10-сонли “Шодлик” мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

Ҳасанова Насиба Манобовна — Қашқадарё вилояти Қарши санъат коллежи ўқитувчиси

Ҳошимова Ойша Исоевна — Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 32-сонли “Меҳрибонлик уйи” тарбиячиси

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 25 август

Самарқандда дунё тароналари янги рамоқда

Самарқандда “Шарқ тароналари” ўн биринчи халқаро мусиқа фестивали бошланди. Регистон майдонидаги асосий саҳнада қатнашчилар ўз дастурларини намойиш этишига киришди.

Фестивалнинг бошқа иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги “Сўғдиёна”, “Ёшлик” истироҳат боғларида, Самарқанд педагогика коллежи, “Ниҳол” амфитеатрида самарқандлик санъаткорлар билан ҳамкорликда концерт дастурлари намойиш этилди.

Хусусан, “Ниҳол” амфитеатрида Италия, Ҳиндистон, Эрон, Вьетнамдан келган ижодий гуруҳлар ва мамлакатимиз вакиллари томони-

дан миллий куй-қўшиқлар ижро этилди.

— “Шарқ тароналари” дунё халқларининг миллий мусиқа санъатини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган, — дейди Италиянинг “Нантиша” гуруҳи аъзоси Аннализа Мессино. — Биз Неаполнинг ўзига хос шевасида ижро этиладиган қадимий қўшиқни ушбу фестивалга тайёрлаб келганмиз. Бугун танловдан ташқари дастурдаги ижромиз томошабин-

ларга манзур бўлганидан хурсандимиз. Умуман, дастлабки кунданқўзбек халқининг санъатни чин дилдан севиши ва юсак қадрлаши, ижодкорларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатиши ажойиб таассурот қолдирмоқда.

— Ўзбекистонда эрон халқи куй-қўшиқларини севиб эшитишларини яхши биламиз, — дейди Эроннинг “Нақш” гуруҳи хонандаси Аскар Мугтабо. — Миллий чолғу асбобларимиз оҳанги уларга хуш ёқади. Шунинг учун фестивалда камонча, тамбақ, қонун каби соғиналарда ижро этиладиган халқ қўшиқларини куйламоқчи-



миз. Ҳозиргина Саъдий Шерозий ғазаллари билан айтган қўшиқларимиз томошабинларга манзур бўлгани кўнглимизни кўтарди. Қарийб бир ҳафта давомида бу ерда ўзимизнинг энг яхши асарларимизни ижро этиб, халқингизнинг байрамона кайфиятини янада кўтаришга ҳаракат қиламиз. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган мустақиллик байрами билан табриклаймиз.

Самарқанд шаҳридаги Фароғат, Саид Ризо Ализода номидаги ва бошқа маҳаллар аҳолиси тинчлик ва дўстлик турли тилларда мадҳ

этилган қўшиқларни тинглаб, рақ тушдилар.

— “Шарқ тароналари” фестивали иштирокчиларининг шахримиздаги маданият ва истироҳат боғлари, амфитеатрларда ҳам ўз дастурини намойиш этиши ажойиб иш бўлмоқда, — дейди Янгиқўрғон маҳалласида яшовчи Шора Эгамбердиева. — Кечки пайт оила аъзоларимиз билан келиб, концерт дастурини томоша қилиб, мароқли ҳордиқ чиқаряпмиз. Куй-қўшиқ, санъат тил ва миллат танламаслигига яна бир бор амин бўлиб турибмиз.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сенаторларнинг фикрича, қабул қилинган қонун ҳужжатларини ижрочиларга етказиш, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тушунтириш ушбу ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилиши, демакки, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, ушбу қонун ҳуқуқий ахборот тарқатиш соҳасидаги у ёки бу муносабатларни тартибга солувчи йигирмадан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзида муҳассам этиб, бу соҳадаги ҳуқуқий бошқарувнинг тизимли бўлишини таъминлайди.

Қонунда замонавий халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда асосий ҳуқуқий тушунчалар мустаҳкамланган бўлиб, унда давлат органлари, яъни вазирлик ва идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган. Бунда ҳуқуқий ахборотни тарқатишни ташкил этиш, бу борадаги барча ишларни мувофиқлаштириш учун масъул бўлган ваколатли орган деб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгиланган.

Қонун билан ҳуқуқий ахборотни тарқатишнинг аниқ тартиби ва усуллари белгилаб берилган. Хусусан, қабул қилинган қонун ҳужжатларини расмий ва норасмий тарқатма тарзида тарқатиш, уларни Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ва давлат органларининг веб-сайтларида жойлаштириш тартиби ўрнатилмоқда.

Қонун билан давлат органларида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштирилган ҳолда ҳисобга олишнинг мажбурий тартиби жорий этилиб, унинг сўзсиз ижро этилиши устидан назорат тизими мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Қонунда ҳуқуқий тарғибот юритиш ҳуқуқий ахборот тарқатишнинг самарали усулларида бири сифатида таърифланган бўлиб, уни амалга ошириш шакллари мустаҳкамлаб қўйилган: конференция, учрашув, семинар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар ўтказиш; қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини очиб берувчи теле- ва радиодастурлар уюштириш, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида материаллар жойлаштириш, шарҳлар, рисоалар, плакатлар, буклетлар тарқатиш шулар жумласидандир.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонунни давлат органлари ва ташкилотлари, ижрочилар, ҳар бир маҳалла, кутубхона ва таълим муассасасига имкон қадар тезроқ етказиш муҳим вазифадир. Зеро, қонунга мувофиқ бу масканларда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун ҳуқуқий ахборотдан эркин фойдаланиш имконияти таъминлангани шарт. Қонун бўйича сўзга чиққан сенаторлар унинг ижро этилиши устидан самарали давлат ва жамоат назоратини амалга ошириш ҳам муҳим вазифа эканигини таъкидладилар. Бу аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий маданиятини ошириш, мамлакатимизда қонунийлик, ижро интизомини таъминлашнинг

муҳим омилига айланиши лозим. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар **“Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар. Таъкидлаганидек, ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Сенаторларнинг фикрича, ёшларга оид давлат сиёсати доирасида қабул қилинган ушбу қонун ҳар томонлама ривожланган, баркамол ёш авлодни шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Муҳокама чоғида сенаторлар таъкидлаганларидек, амалдаги қонун ҳужжатлари, хусусан, 2008 йилда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонун билан шифқатсизлик, зўравонлик ва болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи бошқа ахборотни акс эттирувчи адабиётлар тарқатилишини, фильмлар намойиш этилишини тақиқловчи меъёрлар назарда тутилган. Шу билан бирга, глобаллашув, ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет тармоғи кенг ривожланган бир шароитда болалар соғлиғига зарар етказувчи, шунингдек, халқимизнинг ёшлар тарбияси пойдеворини ташкил этувчи маънавий асосларини емирувчи ахборотдан улар ҳимоя қилинишини таъминловчи янада самарали ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни шакллантириш муҳим вазифага айланди.

Кўриб чиқилган қонунда давлат органларининг ушбу соҳадаги ваколатлари, бу фаолиятда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг механизмлари аниқ белгиланган. Мазкур қонунга мувофиқ давлат органлари, фуқаролик институтлари, таълим муассасалари ва оммавий ахборот воситаларининг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул ваколатли давлат органи этиб Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги белгиланган. Қонунда болаларга зарар етказувчи ахборот турлари таърифланган. Болаларни ўз ҳаёти ва саломатлигига хавф соладиган хатти-ҳаракатларни содир этишга ундайдиган, уларда наркотик воситалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш, қимор ўйинларида иштирок этиш истагини пайдо қиладиган ахборот тарқатилиши тўлиқ ман этилган. Оилавий кадрларни инкор этадиган, турли ноқонуний хатти-ҳаракатлар, шифқатсизлик, жисмоний ва руҳий зўравонлик, жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатларни оқлайдиган ахборот тарқатилиши тақиқланган.

Қонун билан зарарли ахборотдан иборат медиа маҳсулотларининг айланиши ва тарқатилишига нисбатан умумий талаблар ўрнатилган. Хусусан, босма шаклдаги, зарарли ахборотдан иборат маҳсулотнинг болалар кириши мумкин бўлган жойларда фақат зич ўралган идишларда тарқатилиши белгиланган. Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот маҳсулотининг болалар учун мўлжалланган таълим, тиббиёт, санаторий-курорт, жисмоний

тарбия ва спорт, маданият ва соғломлаштириш муассасаларида тарқатилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Қонунда қайд этилганидек, ахборотни болалар ёшига қараб таснифлашнинг батафсил тартиби, шунингдек, уларни у ёки бу тоифага киришти мезонлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган алоҳида низоом билан белгиланади.

Қонунда ахборот маҳсулоти экспортизасини ўтказиш ва болалар орасида тақиқланган ахборот маҳсулотлари реестрини юритиш шартлари, тартиби ўрнатилмоқда. Ушбу Реестрни тузиш ва уни юритиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги зиммасига юклатилган.

Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг нормалари болаларнинг замонавий илм-фан, маданият, таълим ютуқларига доир ахборотдан фойдаланиш имкониятини чекламайди. Унинг қордалари халқаро ҳуқуқнинг умум қабул қилинган меъёр ва таъминларига, хусусан, Бола ҳуқуқлари декларацияси (1959 йил), БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси каби ҳужжатлар ва бошқаларга тўлиқ мос келади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини муҳокамаси чоғида сенаторлар қайд этганларидек, ушбу қонун давлатимиз раҳбарини томонидан юритилаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашувининг олдини олишга қаратилган изчил сиёсатнинг амалдаги ифодасидир. Айнан шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти тасвир этилди, унинг фаолиятининг ҳуқуқий механизмлари белгилаб берилди.

Тадбиркорликни, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатининг амалга оширилишида иштирок этиш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қабул қилинган ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти ривожига таъсири самарадорлигини баҳолаш, қабул қилинган ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолияти ривожига таъсири самарадорлигини баҳолаш, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир тақлифларни тайёрлаш Вакилнинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Қонун Вакилга соҳада назоратни амалга ошириш, тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига шубҳасиз риоя этилаётганлиги устидан назоратни амалга ошириш бўйича кенг ваколатлар беради. Хусусан, у давлат органларининг (ташкilotларининг) қарорлари, улар мансабдор шахсларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини бузувчи ҳара-

катлари устидан шикоятларни кўриб чиқади, уларнинг фаолиятини текшириш қонунийлиги устидан мониторинг ўтказиши, аризалар ва дъволар билан судларга мурожаат қилади, давлат органларининг мажлисларида иштирок этади, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шу билан бирга, қонунда Вакил томонидан кўриб чиқилмайдиган масалалар ҳам белгиланган. Тадбиркорлар ўртасидаги иқтисодий низоолар, оилавий, меҳнат ва тадбиркорлик билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоолар, шунингдек, суднинг, тезкор-қидирув фаолиятини, терговни, суриштирувни ва жазо ижросини амалга оширувчи органларнинг ваколат доирасига кирадиган масалалар шулар жумласидан.

Тадбиркорлар манфаатларига дахл қиладиган энг муҳим, долзарб масалаларни ҳал қилишда Вакилнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида Вакил қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади. У Президентнинг розилигисиз жиний жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас.

Вакил институти қонунга мувофиқ нафақат мамлакатимиз тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини, балки Ўзбекистон Республикасида ўз бизнесини юритаётган хорижий компаниялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш лозим. Сенаторларнинг фикрича, бу Ўзбекистоннинг инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини оширишга, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга кўмаклашди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, суддан фарқи ўлароқ, янги институтнинг жорий этилиши мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда тадбиркорлар ролини оширишда ўта муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар.

Шундан сўнг сенаторлар **“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар кириштириш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар. Қонун Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида ишлаб чиқилган ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан парламент кўриб чиқиши учун киритилган.

Муҳокама чоғида сенаторлар томонидан таъкидлаганидек, ушбу қонун давлат органлари тизимини фуқароларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишга сафарбар этишга қаратилган давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Ушбу сиёсатнинг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан лўнда қилиб “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, дея белгилаб берилган.

(Давоми 5-бетда.)

2017-yil 26-avgust, № 68 (9029)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-, 4-бетларда.)

Таъкидланганидек, янги қонуннинг қонунлари жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашнинг ҳуқуқий механизмларини аниқлаштирилади, бу эса мазкур соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилашга хизмат қилади. Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг муҳимлиги қуйидагилардан иборат.

Қонун билан давлатимиз раҳбари ташаббусига қўра давлат бошқаруви тизимига жорий этилган Халқ қабулхоналари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхоналари институтининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлаб қўйилган.

Бу институт, сенаторларнинг фикрича, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек, фуқароларнинг мурожаат қилишга доир конституциявий ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг муҳим механизми ҳисобланади.

Қонуннинг кучи аввалгидек давлат органларига нисбатан татбиқ этилибгина қолмай, балки давлат томонидан ёки унинг иштирокида ташкил этилган, Давлат бюджетидан молиялаштирилмайдиган ва фуқароларга давлат хизматларини кўрсатадиган ташкилотларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Қонунда фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишнинг ҳуқуқий принциплари белгилаб берилмоқда. Хусусан, мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш, мурожаатларни кўриб чиқиш чоғида бюрократизм ва сансалорлик ҳолатларига йўл қўймаслик, мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслар фаолиятининг шафдофлиги каби тамойиллар шулар жумласидандир.

Қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётига мурожаатларнинг янги шакллари, хусусан, давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг ишонч телефонлари, "бевосита алоқа линиялари" орқали, видео-конференцалоқа воситасида расмий веб-сайт, виртуал қабулхона орқали келиб тушган мурожаатлар ва бошқалар киритилмоқда. Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини қабул қилишнинг янги шакллари ва тартиби киритилмоқда: сайёр, шахсий ва оммавий қабуллар, видео-конференцалоқа воситасидаги, аудио ва видеоёзувни қўллаш орқали қабуллар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши давлат органларининг, ташкилотларининг халқ билан самарали қайта алоқасини мустаҳкамлаш, давлат органларининг очкиклик даражасини ошириш, уларнинг инсонларни ўйлантираётган аниқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича фаолияти самардорлигини оширишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнг сенаторлар "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар.

Қонун Тошкент шаҳрининг туманларида халқ депутатлари Кенгашиларини тузиш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб беради. Бу эса ҳокимиятнинг маҳал-

лий органлари бюджет ваколатлари амалга оширилиши устидан назоратни ўрнатишга, уларнинг мамлакатимиз пойтахти туманларини ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг муҳим масалаларини ҳал қилишдаги ўрнини мустаҳкамлашга, ислохотларни рўёбга чиқаришдаги роли ва аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

Ушбу масала муҳокамаси чоғида таъкидланганидек, амалдаги қонун ҳужжатларида (Конституциянинг 99-моддаси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасида) Тошкент шаҳрида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларини тузиш назарда тутилган. Шу билан бирга, амалдаги қонун ҳужжатларининг бу қондаси пойтахт туманларига (уларнинг сони Тошкентда 11 та) маҳаллий бюджетлар лойиҳалари, уларнинг ижроси муҳокамасини ўтказишга йўл қўймайди, чунки, масалан, Бюджет кодексига мувофиқ, туманлар (шаҳарлар) бюджетларининг кўриб чиқиши ва қабул қилиниши, шунингдек, уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларнинг эшитилиши халқ депутатлари Кенгашилари ваколатларига қиради.

Шу боис Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида"ги, "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашиларига сайлов 2017 йил декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яқшанбасида ўтказилиши орқали уларни тузишни назарда тутувчи бир қатор ўзгаришлар киритилмоқда.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун туман сайлов комиссиялари тузилиши тавсия этилмоқда.

Ушбу қонунга мувофиқ халқ депутатлари туман Кенгашиларининг янги сайланган депутатлари сайлов натижалари бўйича уларнинг янги таркиблари шаклланишга қадар ўз ваколатларини амалга оширади.

Бундан ташқари, қонунда шаҳарларда туманлар ҳокимлари лавозимларига тасдиқлаш, шунингдек, янги Кенгашилар тузилиши муносабати билан халқ депутатлари туман Кенгашилари томонидан уларнинг ҳисоботларини эшитиш тартиби белгилаб берилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, тақлиф этилаётган ўзгаришлар Тошкент шаҳрида социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни рўёбга чиқаришда ҳокимият вакиллик органларининг, пойтахт жамоатчилигининг ролини кучайтиришга, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, туманлар ҳудудини ривожлантиришнинг истиқболли дастурларини амалга ошириш, қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш устидан халқ депутатлари туман Кенгашилари томонидан назорат қилиш механизмини ўрнатишга қўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар 30 июнь кунини "Ўзбекистон Республикаси ёшлари куни" сифатида белгилайдиган "Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқдилар.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳияти ёшларни ватанпарварлик, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдан, маънан етук ва жисмонан соғлом авлодни шакллантиришдан, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини ҳар томонлама етук, кенг дунёқарашга эга, мамлакат келажаги учун масъулиятни зиммасига олишга, халқ манфаатларини таъминлаш йўлида бор салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлган ёшларни тарбиялашнинг мавжуд ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлашга қўмаклашмоқда.

Ушбу масалага муҳим аҳамият берган ҳолда, кенг жамоатчилик, энг аввало ёшларнинг тақлифлари ва фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб, 2017 йил 30 июнда бўлиб ўтган "Қамолат" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида Ўзбекистон ёшлар иттифоқини тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Ушбу қурултойда 30 июнь кунини мамлакатимизда Ўзбекистон ёшлари куни, деб эълон қилиш тақлиф этилди.

Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали рўёбга чиқаришга, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ қилишга қўмаклашади.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ халқ депутатлари туман Кенгашиларининг янги сайланган депутатлари сайлов натижалари бўйича уларнинг янги таркиблари шаклланишга қадар ўз ваколатларини амалга оширади.

Сенаторлар қишлоқ ҳўжалигида чуқур иқтисодий ислохотларни амалга ошириш натижасида аграр тармоқнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган янги тизими шаклланишини қайд этдилар. Ҳозирги вақтда 3,6 миллион ходим ва хизматчи аграр тармоқда фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ ҳўжалигининг мамлакат ялли ички маҳсулотидagi улуши 17,2 фоизни, йиллик ўсиш 6-7 фоизни ташкил этмоқда.

Бундай натижаларга эришишда тармоқнинг барча ходимлари ва хизматчилари — фермерлар, деҳқонлар, механизаторлар, пиллачи ва чорвадорлар, қишлоқдаги тадбиркорлар, аграр секторда фаолият кўрсатаётган мутахассис ҳамда олимларнинг роли катта.

Сенаторларнинг фикрича, "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши қишлоқ меҳнаткашлари жонбозлигининг, давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга, мамлакат гуллаб-яшнашига улар қўшаётган

ҳиссасини эътироф этилишидир. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ тайёрланган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Сенаторлар мамлакатда олиб борилаётган демократик ислохотлар жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтларнинг самарали тизимини шакллантиришга, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институтини ривожлантиришга доир кўламини моҳияти жиҳатидан улар ишлар амалга оширилганлигини қайд этдилар.

Сенат томонидан кўриб чиқилган қонунга мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Қонунга Вакил фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни Олий Мажлис палаталари томонидан эшитиш тартиби тўғрисидаги нормаларни ҳамда Вакил томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини ва шикоят бериш муддатларини аниқлаштирувчи ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, Вакилга аризалар, тақлифлар ва шикоятлар тарзидagi мурожаатлар оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда берилиши мумкин. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги қонун фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга доир Вакилнинг вазифаларини белгилаб берувчи янги нормалар билан тўлдирилди. Вакилнинг минтақавий вакиллари фаолиятини, омбудсманнинг судлар билан ҳамкорлигини ташкил этиш механизмлари аниқ таърифлаб берилди.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, қонуннинг қабул қилиниши давлат ва жамият қурилишида адолат, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини устуворлигини таъминлаш тамойилларини қарор таъминлашда омбудсманнинг ролини оширишга қўмаклашади.

Шундан сўнг сенаторлар "Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилди.

(Давоми 6-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми.
Боши 1-, 4-, 5-бетларда.)

Сенаторлар **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги** Ўзбекистон Республикаси қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг муҳимлигини қайд этдилар. Мазкур қўшимчаларда амалда терговга қадар текширув институтини такрорлайдиган суриштирув институтини жиноят-процессуал қонун ҳужжатларидан олиб ташлаш назарда тутилмоқда. Қонун жамиятга катта хавф солмайдиган жиноятлар тўғрисидаги ишларни судга қадар юриштириш соддалаштирилган тартибини белгилаб беради.

Суриштирув юришти хуқуқи ички ишлар органларига, Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига, Бош прокуратура хузуридаги Мажбурий ижро бюросига ва давлат бохона хизмати органларига берилмоқда.

Қонун билан ижтимоий хавфли бир қанча жиноятларни ички ишлар органларидан прокуратура органлари терговига ўтказиш назарда тутилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши текширувнинг тезкорлик билан ўтказилишини таъминлашга, терговчилар иш сифатини оширишга, шунингдек, жиноят ишларини текширишда бир-бирини такрорлашнинг олдини олишга ва сансоларлиқни бартараф этишга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Харакатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги** Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Қонун билан мамлакатимизнинг амалдаги бир қанча қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу қонун Харакатлар стратегиясида, Президентнинг фармонлари ва қарорларида ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида баён этилган вазифаларни ижро этиш мақсадида депутатлар, Хукумат, Бош прокуратура ва қонунчилик ташаббусининг бошқа субъектлари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган 15 та қонун лойиҳасини бирлаштиради. Сенаторлар суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга қаратилган амалдаги қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни ҳар томонлама муҳокама этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги "Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ **"Прокуратура тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очқиллиги тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги** қонунларга, шунингдек, **Ўзбекистон Республика-**

сининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Меҳнат, Солиқ, Оила кодексларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчаларда хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, вояга етмаганлар ишлари, одам савдосига қарши курашиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияларининг фаолиятида Бош прокуратуранинг мувофиқлаштирувчи ролини белгилаб қўйиш назарда тутилмоқда. Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий сайтларига профилактика тадбирларининг моҳияти ва аҳамиятига бағишланган материалларни, қонунчиликнинг ҳолати ва жиноятчиликнинг даражаси ҳақидаги маълумотларни, содир этилган хуқуқбузарликлар ҳамда уларга чек қўйиш чора-тадбирлари ҳақидаги ахборотни жойлаштириш тўғрисидаги нормалар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институти янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва мувофиқ **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва "Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги** Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, Солиқ кодексига киритилаётган тузатишларга кўра, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар билан судга мурожаат қилганда, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари харакатлари (харакатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда давлат божини тўлашдан озод этилади.

Фуқаролар йиғини ваколатлари кенгайтирилмоқда. Қонунда фуқаролар йиғини раисининг, унинг ўринбосарларининг, маслаҳатчиларининг, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда тафтиш комиссияси раисларининг ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш тартиби белгилаб қўйилмоқда. Қонун билан "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси раҳбарининг, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисининг, шунингдек, жойлардаги профилактика инспекторларининг, таълим муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг фуқаролар олдида ҳисоб бериши тизимини белгилаб берилмоқда. Фуқаролар йиғини кенгаши таркибига фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ўринбосарлари (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари), жойлардаги профилактика инспекторлари, таълим муассасалари, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарлари кирди. Қонун ҳужжатларига киритилаётган бу ва бир қатор бошқа ўзгартишлар фуқаролар ўзини ўзи

бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг, маҳалла институтини аҳолига энг яқин бўлган тузилмага айлантиришнинг, шунингдек, уларнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг муҳим омилига айланиши лозим.

Харакатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ **"Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги"** ва **"Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги** қонунларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бевосита давлат ижтимоий буюртмасини бериш хуқуқини тақдим этиш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий буюртмаларини бериш давлат буюртмачиларининг рўйхатига киритиш назарда тутилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, Харакатлар стратегиясига мувофиқ **"Прокуратура тўғрисида"ги** ва **"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги** қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар давлат бошқаруви тизимини янада демократлаштиришга, ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва депутатлар назорати ролини оширишга кўмаклашади. Ушбу тузатишларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари Кенгашларига ҳисоботлар тақдим этади, зарур ҳолларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қонунийлик ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳолати тўғрисида хабардор қилади.

Қонун билан прокурорларнинг ҳисоботларини, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини, соғлиқни сақлаш бошқармаси органлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг асосий ваколатларига киритилди.

Тузатишларга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари томонидан ўз фаолияти тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисоботлар тақдим этиш тизими жорий этилмоқда.

Қонунга мувофиқ бундан буён профилактика инспекторлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши қарори билан лавозимга тайинланади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ушбу қонун билан **"Банкротлик тўғрисида"ги, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги** қонунларга ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторлар **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги** ва **"Ер ости бойликлари тўғрисида"ги**

қонунларга киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчаларга алоҳида эътибор қаратдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2017 йил 21 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги** ва **"Ер ости бойликлари тўғрисида"ги** қонунларга киритилган ўзгартишларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилди, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси этиб қайта ташкил этилди. Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобдорлиги белгилаб қўйилди, унинг ваколатларига аниқлик киритилди.

Шундан сўн сенаторлар **Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳри ва Ўрта Чирчиқ туманининг чегараларини ўзгартириш ҳамда Тўйтепа шаҳрини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, шунингдек, Тўйтепа шаҳрини Тошкент вилоятининг маъмурий маркази этиб белгилаш тўғрисидаги, Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Янгийўл туманининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек, Янгийўл шаҳрини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги, Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри ва Оҳангарон туманининг чегараларини ўзгартириш, шунингдек, Оҳангарон шаҳрини вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш тўғрисидаги** масалаларни кўриб чиқдилар. Мамлакат ҳукумати томонидан киритилган ушбу тақлифларнинг маъқулланиши Тошкент вилоятининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга, ҳудудларни самарали бошқаришга, аҳоли учун шарт-шароитларни янада яхшилашга кўмаклашади, туризм соҳасининг ривожланишига туртки беради.

Сенат ялпи мажлисининг биринчи куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат бошқаруви масалаларига доир бир қатор фармонларини тасдиқлаш, шунингдек, яқинда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий қонунга мувофиқ Конституциявий суднинг янги таркибини сайлаш билан яқунланди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни ўз ишини яқунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

2017-yil 26-avgust, № 68 (9029)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2017 йил 25 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар Тошкент вилояти Тўйтепа шаҳрининг номини ўзгариши тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Авал хабар берилганидек, Сенат Тўйтепа шаҳрини Тошкент вилоятининг маъмурий маркази этиб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Мажлисининг иккинчи куни сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига ва "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Тошкент вилояти Тўйтепа шаҳрини Нурафшон шаҳри деб ўзгариши тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бир қатор судьяларини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Номзодларни муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралда қабул қилинган судьяларни танлаб олиш ва лавозимларга тайинлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга доир чора-тадбирларни назарда тутуви "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини изчил ва сўзсиз рўёбга чиқариш муҳим эканлиги таъкидланди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси лавозимига тайинлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

си Сенати аъзоларининг одоби қоидаларига кўшимчалар ва ўзгартиш киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламентига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раисини сайлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг кўмитаси таркибига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламент ва одоб комиссияси таркибига ўзгаришлар киритилди. Ушбу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасидаги маданият ва истироҳат боғларида, шунингдек, бошқа маданий-кўнглинчар масканларда ўрнашган юқори технологияли аттракционлардан фойдаланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан йўлга қўйилган давлат назоратининг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Ариповга юборилган парламент сўрови натижалари бўйича ахборотни муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, парламент сўровига мувофиқ вазирликлар ва идоралар раҳбарларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан 148 та маданият ва истироҳат боғининг ҳолати ўрганилди. Маданият ва истироҳат боғларида ишлаб турган 1758 та аттракцион ва ўйин қурилмаси улардан фойдаланишда хавфсизлигини таъминлаш нуктаи назардан текширилди.

Жойлардаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш натижаларига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан мазкур объектлардан хавфсиз фойдаланишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга, ушбу соҳадаги ягона давлат назорати самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Муҳокама чоғида сенаторлар қатор тавсиялар

билдирдилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тадбирлар режасида назарда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш муҳимлигини қайд этдилар. Сенатнинг Мудрофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасига мазкур масала бўйича Сенат қабул қилган қарорнинг ижро этилиши устидан мониторинг юритиш топширилди.

Шундан сўнг сенаторлар "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти таркибига кирмайдиган корхоналар темир йўллари ни саклаш ва улардан фойдаланиш ҳолати, шунингдек, ушбу корхоналарда темир йўл орқали ташувлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат назоратининг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига парламент сўрови юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисида Олий Мажлис Сенатининг ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси ўз ишини якуналади.

Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишга, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурини босқичма-босқич ижро этишга қаратилган 27 та масала, шу жумладан, 10 та қонун (шундан 6 таси янги қонун) кўриб чиқилди. Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида қабул қилинган қарорлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари қаролатларини янада мустаҳкамлашнинг, аҳоли турмуш даражасини оширишнинг, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САЊАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2017 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифи билан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга кўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

Биринчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:
фан ва техника соҳасида (фан ва техника соҳасида кўзда тутилган 1 та биринчи даражали Давлат мукофоти ўрнига 2017 йил учун истисно тарихида 2 та биринчи даражали мукофот берилиши белгилансин):

— Аюпов Шавкат Абдуллаевич, Кудайбергенов Каримберген Кадирбергенович, Омиров Баҳром Абдуллаевичга — "Ноассоциатив алгебралар, дифференциаллаш ва ночизикли динамик системалар назарияларини ривожлантириш" фундаментал тадқиқоти учун;

— Иноятова Флора Ильясовна, Аҳмедова Дилором Илҳомовна, Амонов Шав-

кат Эргашевичга — "Оғир эшитиш заифлиги ва карлиги бўлган болаларнинг реабилитацияси" амалий тадқиқоти учун;

адабиёт соҳаси бўйича:

— Қодиров Пиримқулга (мархум) — "Амир Темур сиймоси" ва "Тил ва эл" асарлари учун;

санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:

— Матёкубов Отаназарга — ўзбек классик мусиқасининг тарихи, назарий асослари ва замонавий жараёнларга таъсири ҳақидаги тадқиқотлар туркуми. "Мақомот", "Бухоро Шашмақомига яна бир назар", "Хоразм нота ёзувининг тарихи ва тамойиллари", "Ўзбек классик мусиқаси асарлари" (икки томли, ўзбек ва рус тилларида) каби мусиқашуносликка оид асарлар мажмуаси учун.

Иккинчи даражали давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:

— Тиллашайхов Мирзағолиб Нигматович, Парпиева Наргиза Нусратовна, Белоцерковец Вера Георгиевнага — "Ўзбекистон Республикасида аҳолига кўрсатиладиган силга қарши хиламатни такомиллаштиришнинг фундаментал асосини яратиш" амалий тадқиқоти учун;

адабиёт соҳаси бўйича:

— Саидов Сирожиiddин Салохович (Сирожиiddин Саййид)га — "Очил, эй гул, ки бўстон вақти бўлди" китоби учун;

санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:

— Шоёкубов Шохалил Каримовичга — "Замонавий Ўзбекистон миниатюраси" (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) китоб-альбоми учун.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 23 август

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ


ректорати,
профессор-ўқитувчилари ва талабалари
жамоаси азиз юртдошларимизни,
мамлакатимиз таълим ва фан тизимида
меҳнат қилаётган барча устоз ва
мураббийларни **ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ
АЙЁМ** — жонажон Ўзбекистонимиз
мустақиллигининг 26 йиллиги билан
самимий муборакбод этади!

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган
барча миллат ва элатларни ушбу улғ
айём билан қутлар эканмиз, ҳар бир
хонадонга бахт-саодат,
тинчлик-хотиржамлик
тилаб қоламиз.



Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!


2017-yil 26-avgust, № 68 (9029)



ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

Муҳтарам юрtdoшлар, азиз ўқитувчи ва мураббийлар! Барчангизни мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами билан самимий муборакбод этамиз! Жонажон Ўзбекистонимизни янада гуллаб-яшнатиш йўлидаги фидокорона меҳнатларингизда омад ва зафарлар тилаймиз!

**ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ
БАЙРАМ МУБОРАК
БЎЛСИН!**



Юксак эътироф ва чексиз ифтихор рамзи

28 август — «Эл-юрт хурмати» ордени ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони таъсис этилган кун

Юртимизда инсон қадри, унинг шаъни ва шавкатини эъзозлаш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш, унга ўз истеъдод ва қобилиятини намойиш этиш борасида барча имкониятлар яратилган. Зеро, инсон омили улуғланган, меҳнати қадрланган юрtda тараққиёт ва ривожланиш, кут-барака бўлади. Ўзининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз равангига катта ҳисса қўшиб келаятган юртдошларимиз меҳнати давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантирилмоқда.

«Эл-юрт хурмати» ордени ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони ана шундай эзгу ва улуғ ишлар — халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, ёш авлод истеъдодини рўёбга чиқариш, Ватанимизнинг нуфузини янада ошириш йўлида тинимсиз меҳнат қилиб келаятган юртдошларимиз самарали ва баракали меҳнатининг амалдаги эътирофи бўлиб хизмат қилаётди.

1998 йил 28 август кун таъсис этилган «Эл-юрт хурмати» орденининг марказида, доирада қизил йўл билан ҳошияланган Регистон мажмуи тасвирланган. Бу — қадимий, гўзал ва ҳамиша навқирон Ватанимиз жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини, ана шундай теран илдизларга

эга халқ эканлигимизни ва айни пайтда бунга муносиб бўлишга ҳаракат қилишимиз лозимлигига ишора.

Регистон тасвири орtda водийлар, тоғлар, мовий осмон узра қуёш тасвирланган. Бутун тасвир шаффоф эмаль билан қопланган бўлиб, айлананинг пастки қисмида осуда кунларда тўқис ҳаётни барпо этадиган илҳом завқи, қувончи, ҳурмат ва шуҳрат рамзи бўлган дафна новдаси ўрин олган.

«Эл-юрт хурмати» ордени билан мамлакатимиз мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнат-севарлиги ва ватанпарварлиги билан кўпчилиكنинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 майдаги фармони билан илм-фан соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш

авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдаги муносиб ҳиссаси, мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётидаги фол ишторики учун ЎзФА Санъатшунослик институти бўлим бошлиғи, академик Эдвард Ртвеладзе ушбу орден билан мукофотланган.

— Умримизнинг асосий қисми кўп йиллик тарих тилсимларини бағрида сақлаб келган талапчиларда ўтаётганидан мамнунман, — дейди академик Эдвард Ртвеладзе. — Ўзбекистон — инсоният цивилизацияси бешикларидан бири. Бу заминнинг буюк тарихи инсоният қай тариқа тараққиётга эришганининг ўзига хос бир исботидир. Шундай табаррук ёшда эл-юрт эъзозида юриш — катта бахт. Президентимиз Шавкат Мирзиёевга илм-фан ривожига, академикларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратаётган юксак гамхўрлиги, қамтарин меҳнатларимни юқори баҳолаб, Ватанимизнинг юксак мукофоти —

«Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирлагани учун чин дилдан миннатдорлик билдираман.

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони қитъа ва жаҳон чемпионатларида, Олимпия ўйинларида ҳамда бошқа халқаро спорт анжуманларида зафар қозongan, нуфузли турнирлардаги ютуқлари билан ўралган стадион тасвирини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилди.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида кумушранг югуриш йўлкалари билан ўралган стадион тасвирига туташ Олимпия ўйинлари рамзи — беш халқа, шунингдек, давлатимиз гербини тутиб турган икки қўл ифодаланган.

Ушбу юксак мукофот мамлакатимизни янада раванг топтириш, буюк аждодларимизга муносиб баркамол авлодни тарбиялаш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилишида юртдошларимизга кучли

рағбат бўлиб хизмат қилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонларида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, юртимиз тинчлиги ва осийшталлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда фидойилик кўрсатган бир гуруҳ ватандошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Улар орасида «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиблари — Бразилияда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида Ватанимиз байроғини баланд кўтарган Фазлидин Гойибназаров, Шахрам Гиёсов, Ҳасанбой Дўсматов, Шаҳобиддин Зоиров, Бектемир Мелиқудиев каби мард ўғлонлар бор.

Дарҳақиқат, ўз меҳнати самарасини қўриш, улкан хизматлари эътироф этилиб, эл-юрт хурматида сазовор бўлиш, мамлакатнинг ифтихорига айланиш ҳар бир инсон учун катта бахт, энг олий мақсаддир. Зеро, яшайдан яшайдан ҳам айнан шу эмасми?!

Абу Бақир ҲУРОЗОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Vatanimiz mustaqilligining 26 yilligi oldidan

Санъат боғидаги янги ниҳоллар

Поитахтимиздаги «Истиқлол» саройида 25 август кун Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъодлар учун таъсис этган «Ниҳол» мукофотининг янги соҳибларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» шiori остида ташкил этилган мазкур тадбирга турли ижодий ташкилотларнинг вакиллари, санъат намояндalари, мусика санъати мухлислари таклиф этилди.

Мамлакатимизда миллий маданиятимиз ва санъатимизга бўлган эътиборни тобора кучайтириш, айниқса, ёш ижрочиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни янгидан-янги ижодий марралар сари руҳлантириш борасидаги амалий ишлар истеъодлар сафининг тобора кенгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда. «Ниҳол» мукофоти мусика санъатининг турли йўналишларида гайрат билан ижод қилаётган ёш йигит-қизларни халқимизга танитиш, улар ижодини янги, янада юқори савияда йўлга қўйишда яқиндан қўмақлашишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 3 август кун юртимиз ижодкор зиёлилари билан учрашувда таъкидлаганидек, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар онгу шуурини турли зарарли фоялар таъсиридан ишончли ҳимоялашда ижод ахли, жумладан, санъатга энди қадам қўяётган ёш ижрочилардан ҳам катта масъулият талаб этилаётганини бугун замоннинг ўзи кўрсатиб турибди.

2016 йил октябрь-ноябрь ойларида «Ниҳол» мукофоти танловининг туман (шаҳар) саралаш босқичлари ўтказилганди. Унда 13 мингдан ортиқ ижодкор ёш ўз маҳоратини намойиш этди. Уларнинг энг муносиблари республика босқичида қатнашиб, мумтоз қўшиқ, мусика ижрочилиги, эст-

рада, опера ижрочилиги, рақс санъати йўналишларида ўз мусиқий дастурини «Ниҳол» мукофоти республика кенгаши аъзолари, мутахассислар ва экспертлар, кенг жамоатчилик, санъат ижтисмондлари эътиборига ҳавола этди.



Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ ёш истеъодлар учун «Ниҳол» мукофотида номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда голиблар ижросида концерт дастурини байрамона тарзда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу танловнинг саралаш босқичларида қўшиқлари билан ёшларни эзгуликка, Ватан олдидаги масъулиятини теран англашга чорлашга қодир бўлган, эл-юрт, жамият, санъат ижтисмондлари олдидаги ижтимоий

бурчини теран англайдиган, чин маънодаги истеъод соҳибларини аниқлашга жиддий ёндашилди. Шу билан бирга иштирокчиларнинг инсонийлик ва ватанпарварлик фазилати, репертуари савияси, профессионал тайёргарлик даражаси, санъатга бўлган интилишига катта аҳамият қаратилди.

Юртимизда барпо этилаётган болалар мусика ва санъат мактаблари, болалар бадиий ижодиёти марказла-

нинг барча йўналишлари каби мусиқанинг янада раванг топиши, унинг бетакрор мактаб ва анъаналари бардавлолигининг таъминланиши, ёш истеъод соҳибларининг заволи билмай камол топиши йўлидаги зарур имкониятлар, гамхўрликларнинг амалий самаралари саҳнада янграган мусиқий асарлар, ранг-баранг дастурлар, дилбар куй-қўшиқлар, жозибали рақслар мисолида янада аққолроқ намойиш бўлади.

Йигирма ёш ижрочи «Ниҳол» мукофотининг 2017 йилги соҳибини сифатида эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида имзоланган меморандумга асосан «Ниҳол»нинг янги совриндорлари бир йил мобайнида ўз қўшиқларини телерадиоканалларда бепул эфирга узатиш, аудиостудияларда имтиёзли мусика ёзиш имкониятига эга бўлди.

— Бугун ёш хонанда ёки мусика ижрочилари учун мисли қўрилмаган шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда, — дейди «Ниҳол» мукофоти соҳибни сурхондарёлик Қаҳрамон Рашидов. — Бундай катта эътибор бизни янада фол бўлишга, Ватанимиз, халқимиз, устозларимиз олдидаги масъулиятини, ижодий бурчимизни янада теранроқ англашга, билдирилаётган юксак ишончли оқлашга, унга муносиб бўлишга ундайди.

Кечада жонажон Ўзбекистонимизни, тинч ва осийишта, бахтиёр ҳаётимизни, халқимиз фаровонлиги, ёшлар истиқболли йўлидаги улкан эътиборни тараннум этувчи қўшиқлар янгради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

2017-yil 26-avgust, № 68 (9029)

Янги ўқув йилидаги илк машғулотлар

уларни кўтаринки руҳда, мазмунли ўтказиш масаласи муҳокама этилди

Халқ таълими вазирлигида янги ўқув йили бошланиши билан боғлиқ тадбирларни юқори савияда ташкил этишга бағишланган видеоселектор бўлиб ўтди. Йиғилишни Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари мутасаддилари, "Ўқув таълим-таъминот" ДУК ҳудудий филиаллари директорлари жойлардан туриб тўғридан-тўғри кузатиб борди.

Видеоселекторни Халқ таълими вазири У.Иноятов олиб борди. Тадбирда республикамиздаги барча умумтаълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш, "Мустақиллик дarsi" ва "Хотира дarsi"ни муносиб ташкил этиш, 1-синфга ўқувчилар қабули, "Президент совғаси" ҳамда умумтаълим мактабларига дарсликларнинг етказилиш ҳолати, 10-синфлар ташкил этилиши, кадрлар таъминоти, "Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари" йўлга қўйилиши каби масалалар кенг муҳокама қилинди.

Мутахассислар томонидан "Мустақиллик дarsi" ва "Хотира дarsi"ни муносиб ташкил этиш бўйича тавсиялар берилди. Таъкидланганидек, бу йил "Фидойинг бўлғаймиз сени,

Ўзбекистон!" шиори остида ташкил этиладиган "Мустақиллик дарслари"ни ўтишда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, қисқа фурсатларда эришилган ютуқлар, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни ҳаётий мисоллар орқали жўшқин кайфиятда ўқувчиларга етказиш зарур. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига бағишланган "Хотира дарслари"ни муносиб ташкил этишда мустақиллик меъмори ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильмдан фойдаланиш, унинг Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритишдаги жасорати, халқ фаровонлигини юксалтиришдаги хизматларини турли мисоллар асосида ўқувчиларга тушунтириш кераклиги айтиб ўтилди.

Бу йил 1-синфларга қабул қилинадиган 650 минг нафар ўқувчи (ўтган ўқув йилида 631 минг нафар) учун "Президент совғаси" сифатида тайёрланган 12 номдagi ўқув қуроллари ва мактаб сумкалари тайёрланиб, жойларга тўлиқ етказилди.

Дарсликларнинг юртимиздаги билли масканларига етказилиши масаласига ҳам эътибор қаратилди. Бугунги кунда 10—11-синфларга 12 та фан ўқитилиши назарда тутилган

ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилди. Улар асосида 18 номдagi дарсликлар яратилди. Жорий йилда янгидан ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари асосида полиграфия ва дизайн жиҳатидан замонавий талабларга жавоб берадиган умумтаълим мактабларининг 1-, 4-, 6-, 7-, 10-синф ўқувчилари учун 43,9 млн нусха дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиб, таълим муассасаларига етказилмоқда. Умумтаълим мактабларининг 10-синфларида дарс берадиган фан ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш мақсадида методист ўқитувчилар мактаби ташкил этилди.

Селектор йиғилишида, шунингдек, марказий шаҳарлардаги таълим муассасаларида намунавий ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш ва уларга мактабларни бириктириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Йиғилиш якунида кун тартибидagi масалаларнинг айна кунларда бажарилиш ҳолати юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқларининг маълумоти тингланди.

Илҳом ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Кўкон педагогика коллежида "2017-2018 ўқув йилига тайёргарлик кўриш ҳамда куз-қиш мавсумини бетафофат ўтказиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Фарғона вилоятидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари иштирок этди.

Куз-қиш

ЯҚИН

унга тайёргарлик жуда муҳим

Тадбирда 2016-2017 ўқув йили якунида, янги ўқув йилига ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари муҳокама қилинди. Ўтган ўқув йилида эришилган ютуқлар эътироф этилди. Йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди. Мамалякатиимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрамини юқори савияда кутиб олиш, "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида "Мустақиллик дарслари"ни ташкил этиш ва навбатдаги ўқув йилида ўқув, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича зарурий вазифалар белгилаб олинди.

Семинар якунида вилоятдаги энг обод таълим муассасалари жамоалари тақдирланди.

Музайяна ХОЛМАТОВА,
Кўкон педагогика коллежи директори

Таълим сифатини юксалтириш

август кенгашларининг бош мавзусига айланди

Халқ таълими ходимларининг аънаваний август кенгашлари жойларда қизгин давом этмоқда. Кун кеча пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 317-мактабда ҳудуддаги 24 мактабдан келган 140 нафардан ортиқ она тили ва адабиёт ҳамда ўзбек тили фани ўқитувчилари иштирокида шўба йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда умумий ўрта таълим тўғрисидаги низоми, она тили ва адабиёт фани бўйича янги давлат таълим стандарти, 11 йиллик мажбурий таълимнинг 2017-2018 ўқув йили учун тузилган ўқув режа ва дастури мазмун-моҳияти тушунтирилди. "Ижодкор ўқитувчилар клуби"нинг фаолияти таҳлил этилди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг тажрибали ўқитувчилари соҳадаги янгиликлар ҳақида маълумот беришди.

Шўбаларда тренер ўқитувчилар ўқувчиларнинг эгаллаган билим, малака ва кўникмаларини амалда қўллаш лаёқатини ривожлантиришга йўналтирилган, компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ва таълим компетенциялар бўйича тайёрланган саволларга батафсил жавоб берди.

Чилонзор туманида ҳудуддаги мактаб ва мактабгача таълим муассасалари раҳбарларининг август кенгашлари ўтказилди. Йиғилишда раҳбарларнинг масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш масаласи, ўқув йили якунлари таҳлил этилиб, таълим сифати мониторингини натижалари ўқиб эшиттирилди. Ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, илғор тажрибаларни тарғиб қилиш орқали янги ўқув йилида таълим сифатини янада юксалтириш юзасидан устувор вазифалар белгилаб олинди.

Шўба йиғилишларида МТМда таълим-тарбия сифатини ошириш, тарбиячиларнинг масъулиятини кучайтириш, мактабда компетенциявий ёндашувга асосланган ДТСни татбиқ этиш, бундан кутулаётган самаралар ҳусусида сўз юритилди. Якунда янги ўқув йилидаги вазифа ва топшириқлар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Чортоқ туманида 52 та умумтаълим мактаби фаолият юритади. Ёш авлод таълим-тарбияси йўлида бор билим ва маҳорати, қалб кўрини сарфлаётган 2057 нафар ўқитувчининг қарийб 85 фоизи олий маълумотли. Янги ўқув йили арафасида улар сафига яна 38 нафар ёш мутахассис қўшилди. Таълим сифатини ошириш ва мазмунини бойитиш ана шу



устоз-мураббийларнинг касбий салоҳияти ва малакасига боғлиқ.

Шу боис туман педагогларининг аънаваний август кенгашида асосий эътибор таълим тизимида меҳнат қилаётган мутахассисларнинг касбий салоҳиятини кучайтиришга қаратилди. Анжуманда 2016-2017 ўқув йили якунлари танқидий таҳлил қилинди. Туман халқ таълими бўлими мудирини Садриддин Исоқов янги ўқув йилида ўқувчиларга бериладиган билим сифатини яхшилашда АҚТдан фойдаланиш даражасини ошириш, илғор педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш, давлат таълим стандартлари талабларини бажаришда мониторингини кучайтириш, иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, маънан етук ва жисмонан соғлом авлодни улғайтириш бош вазифалар эканлигини таъкидлади.

Юнусобод туманидаги 259-, 86-мактабларда ҳам август кенгашлари доирасида "Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш" мавзусида машғулотлар олиб борилди. Унда умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич амалиётга жорий этиш, ўқувчиларда таълим ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш, мактабларда чет тилларни ўқитиш ҳусусида фикр юритилди.

Йиғилишда таълим муассасалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари янги ўқув йилидаги долзарб вазифалар ҳақида маълумотларга эга бўлишди.

— Август кенгашлари ўқитувчиларга янги ўқув йили олдиндан зарур услубий-методик ёрдам берувчи муҳим тадбирдир. Шўба йиғилишларида таълим соҳасидаги янгиликларни барча таълим ходимларига етказиб, уларни янги ўқув йилидаги режалар билан таништирдик, — дейди ХТБ мудирини ўринбосари Гулчехра Ёқубова. — Шунингдек, ўтган ўқув йилида кузатиш камчиликларни бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди. 10-синфга қабул қилинган ўқувчилар билан ишлаш юзасидан ҳам фикрлар ўрганилди.

Ўтган ўқув йилида энг яхши натижага эришган бир гуруҳ устоз-мураббийларга faxрий ёрлик ва қимматбахо совғалар топширилди.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
Ганишер АКБАРОВ,
«Ma'rifat» мухбирлари,
Дилором ХАЙДАРОВА,
Сергели туманидаги 300-ИДУМ ўқитувчиси

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Устоздог шундай гавҳарки...

Унинг номи — "Созра маликаси". Оркестрда ўрни бўлак. Гоҳ майин, гоҳида маънос, юрагининг аллақарини жижиллатувчи оҳанги билан донги баланд. Димоғи ҳам ўзига яраша — созано танлайди. Ёнига ҳар кимни ҳам яқин йўлатмай, елкалари тик, бармоқлари узун-узун соз устаси билангина келишади. Қирқ торини ҳам билган жарангламади, билмаган ноталардан нарига ўтолмайди. Чанг мана шундай чолғу!

Чангнинг нозик таъбини обдон ўрганган, қирқ торни тобида чалган йигит-қизларни кўрсам, рости, ҳавасим келади. Утган йилнинг май ойида "Наврўз садолари" халқаро миллий чолғу ва оркестр фестивали ўтказилди. Ушанда чангда маҳоратини кўрсатган икки совриндор: Қарши санъат коллежи муаллимаси Зебо Мирзаева ҳамда ўқувчиси Гавҳар Боймуродова эътиборимни тортди. Нега қирқ торли чолғунини танлашдикин? Дутор ё скрипка-чи, дея хиёл таажублангандим.

— Отам ҳаваскор доирачи эди. Баъзида илҳоми жўшиб, димоғи чоғ бўлган пайтда қарсиллатиб доира чертардилар. Бирам мароқли, бирам хуш ёқарди овози. Тинглаб ўтириб, сархуш ҳисларга фарқ бўлардим-қолардим, — дея болалик хотирларидан сўз очди Зебо опа. — Яна, пианино клавишларидан таралаётган ҳазин, гоҳи шошқин куйлар ҳам қалбимни энтиктирарди. Кўшнимизнинг уйига у-бу юмушни баҳоналаб тез-тез чиққанам боиси ҳам пианино эди. Онам бундай "бөкорчи" кизни мусиқа мактабига берганим дуруст, дердилар. Ўзимнинг майлим, онамнинг далдаси сабаб кўшни тенгдошлар билан чолғуларни кўлиқлаб, тўғаракка отландики: кимдир дутор, кимдир най, яна биримиз китоб-дафтар билан, мен-чи, отамнинг доирасию бобомнинг рубобини маҳкам ушлаб кетялман. Ҳажжону иштиёқимиз зўр. Қачон чаларканмиз-а! У пайтлари қиз боланинг "артист"лиги унча хушланмас, "Кизнинг ўрни фақат рўзгорда!" дегувчилар талайгина эди. Шунда муаллимимиз Аъзам Ражабов вазиятни тўғри баҳолаб: "Қиз болага чанг ярашади. Шунини танлаганим маъқул", дедилар иккиликни юрганимни кўриб. Рубобу доирадан бошқасини билмаган ўқувчи дабдуростдан чанг

чалишга ўтса... Йўқ, ҳаммаси кўнгилдагидек бошланди. Аввал елкала-



римни тик тутишни, бармоқларни муттасил ҳаракатлантиришни ўргандим. Қолгани аста-секин давом этаверди. Сўнг куйларни ажратиб, эшитиш қобилиятини алоҳида имтиҳон қилинди.

Зебо опанинг мусиқадаги одимлари, қувонч-ташвишларини тинглаётиб бу нафис кўллар узун-узун торларга қандай ярашган-а, дея хайратландим. Зебо Мирзаеванинг санъатсевар ўқувчиларидан Гавҳар Боймуродова ҳам чангдек мураккаб созни танлаган.

— Бирор чолғунини чалишни ўрганай деганимда, раъйимни ҳеч ким қайтармади. Аксинча, дадамнинг ўзи мусиқа мактабига элтган. Отам мусиқага қизиқарди. Уйимиздаги катта хоналарнинг бирини мусиқа асбоблари билан жиҳозлаб берди. Аввал скрипка чалдим.

Юқори курсга ўтгач, синчков устозларим: "Чанг чалиб кўрмайсаними? Унда ҳаммаям "очилиб" кетавермайди", деди. Майли, дея астойдил шуғулланишга ўтдим. Хонага бўйим баравар кўзгунга кўйиб, қаддимни тик тутишни, кўлларимни соз таёқчаларига мослаш машқларини нақ бир ой бажардим. Қийин экан... Кейин-кейин сознинг инжиқликларига ҳам, куй ритми-

ди дарсга. Асарни маромида чалапти, хатоси йўқ, лекин оҳангларида нимадир етишмаяпти. Хиёл безовталигим бор. Машғулоти шартта тўхта-тиб, қаршига ўтирдим-да, нима гаплогини сўрадим. Ана пайт онаболадек дардлашдик. Ибратли ҳикоятлар билан кўнгилдаги шўхаларини тарқатишга уриндим, ютуқларини санаб, руҳлантирдим. Муаммоларига ҳам бамаслаҳат чора изладик. Бафуржа сўхбатимиз тугагач, "Қани, энди тўхтаган жойидан давом эттирчи!" дегандим, бу гал чалаётгани кўнгилдагидек чикди. Ишнинг унуми, самараси кўпинча кайфиятимизга боғлиқ эканини унутамиз-да, айбни осонгина илҳомга тўнкаб қўяверамиз...

— Рости, устозимдан ҳеч гапни яширолмайман. Дарров юз-кўзимдан уқиб олади. Шундай пайтлари "Ҳой, Гавҳар, одам скелетини чалайсаними? Унга қаро кўз, қамон қош, гунча лаб, бежирим либос кийдиришни унутясан-ку!" дея дакки беради. Машқим зўр пайтлари: "Ана, кўприкка энди чикдинг!" дейди. Устозим билан танловга бердик. Навбатим келганда: "Саҳнага чиқишдан олдин бирор нуқтани топ. Стулга яхшилаб жойлашгин, чалишга шошлма! Аввал саҳнани ўзингники қил!" деб ўқтирди. Айтилганидек қилдим. Залда жимлик. Ҳамманинг кўзи менда. Чалишни бошладим. Биринчи, иккинчи... шу пайт кейинги қисми эсимдан чиқса-я... Йўқ, хайрият нотани кўлларим ўз-ўзидан топиб кетди. Хиёлатли вазиятдан бармоқларим хотирасига сўяниб чиқмаганим-дами?!

Очили, устоз-шогирднинг мароқли сўхбати ҳузурбахш эди. Тинглаганим сари, ўрнингдан кўзалишга ийманасан. Қани, шундай меҳридарё устозга толиба, шундай қувнок шогирда муаллима бўлиб қолсанг... Қарши санъат коллежидан шундай истеъдодли гавҳарларнинг, уларни гаввосдек денгиз тубидан олиб чиқаётган санъат фидоиларининг борлиги бахтимиз, асли. Лекин сўхбат якунига етганича йўқ ҳали. Олдинда қанча манзиллар турибди...

Хулқар ФАРМОН қизи

San'at va siyrat

Андижон самоси

Рақслар — миллий санъатимиз гултожларидир. Кўҳна Бухоронинг "Зангула"си, қадим Хоразмнинг "Лазги"сига мафтун бўлмаган киши борми? Улар ҳаққимизга хос ички маданият, турмуш ва тафаккур тарзининг асрлар давомида сайқаланган ўзига хос ифодаси. Тарихий манбаларда қайд этилишича, V асрдаёқ Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро ва Тошкент раққос-раққосаларининг доғри бутун Шарққа ёйилган.

Милодий II-III асрларга оид Хитой манбаларида Марказий Осиё халқларининг моҳир созандалари, мақомчи, бастакорлари ва раққосалари ҳақида қайдлар учрайди. Солномаларда ва мусиқий асарларда Марказий Осиёдан олиб келинган кўлаб чолғулар тилга олинади. Хитойда I мингйиллик ўрталарида Марказий Осиё халқларига хос, шухрат қозонган рақслардан бири Чечки-Шош номи билан аталган ҳақида маълумотлар бор. Унинг бундай номланишини мутахассислар Хитой фуқаросининг Шошга келиб узок вақт илм-хунар ўргангани, ўз исмининг охирида ўша дав-

латнинг номини кўшиб ифода-лаш одат бўлгани билан изоҳлашади. Чечки-Шош рақсининг номланишида ҳам ана шундай маъно, одат мужассам. Дастлаб бу рақсни бир киши ижро этган. Демак, яқка ўйин ҳисобланган. Милодий V-VI асрларда эса ижрочилар беш, кейинчалик 24 кишидан иборат бўлган. "Шош" рақси хитойликларни шунчалик мафтун этганки, ўша даврда ёзилган манбаларда унга жуда ҳам юқори баҳо берилган. Хитой шоирлари "Шош" рақсига бағишлаб ҳатто шеър ва қасидалар ёзган.

Ҳа, ўзбек миллий рақслари адрасу атлас, шоҳи бека-

сам кийган, дўппию дурраларини бошда дол кўйган қирқ кокилли қизлар; чапани ва ори осмон йигитлар тимсолида дунё аҳлини азалдан хайратлантириб келган. "Андижон полкаси" ҳам ана шундай чуқур илдиз, узок ўтмишга эга рақсларимиздан.

"Андижон полкаси" ўзбек халқ чолғу куйи ва айнан шу номдаги рақсдир. Бу куй ўтган асрнинг 20-йилларида андижонлик атоқли созанда ва актёр Ориф Гармон Тошматов талқинида оммалашган. Ўзининг шўх, жарангдорлиги билан ажралиб турадиган бу асар, бир томондан, ўзбек мумтоз куйлари (масалан, "Наво чархи")га, бошқа томондан эса фольклор намуналарига оҳангдош. Куйи бўлса, рақси ҳам ўз-ўзидан вужудга келганидек, андижонлик рақс усталари бу куйга шу қадар хос ўйнаганки, меҳнатсевар ва софдил халқимиз уни илиқ қарши олган.

Фарғона хореографиясининг машҳур усталари Юсуфжон қизиқ Шакаржон ҳамда Уста Олим Комилов бу рақсни "Андижон самоси" деб атади. "Сом" водий шева оҳангида "само" сўзига уйкашиб кетади. Шу маънода уни "Андижон самоси" десак ҳам янглишмаймиз.



Ушбу ўйинни XIX асрнинг 80-йилларидан Андижон шаҳри ҳаётига кириб келган рус ишчилари "полка" деб атай бошлаган. Юсуфжон қизиқ ва бошқа усталар ҳикоясига кўра, байрамларда руслар бу жўшқин ўйинни ўзбеклар билан биргаликда ўйнаган экан. "Андижон полкаси" — чапани, кучли ва иродали, турмушдан завқ олувчи кишилар рақси. Айниқса, унда кўзни қувнатувчи сакрашлар, оёқни орқага ва тепага ташлаш

каби ҳаракатлар мушак кучини акс эттиради. Раққос мушталарини тугиб, раққос дончасининг марказига қараб, гавдисини бироз пастрга эгади ва мушталарини кўп марталаб пастан

юқори-га буради — бу орқали мушаклари кучини кўрсатиб, ғурурланади.

Айрим манбаларда бу раққос андижонлик меҳнатқаш деҳқонлар ўйини, деб ҳам аталади. Сабаби, куну тун ер қолиб, ўт ўриб тиним билмайдиган қишлоқ аҳли баъзи-баъзида ўзини ҳоритмаслик учун раққосга тушиб, кайфиятини бироз кўтарган. "Андижон полкаси"га раққоса тушувчилар асосан деҳқон либосида кўриниш бериши ҳам шундан, эҳтимол. **Мафтун МИРЗАХУҲАЕВА, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби талабаси**

2017-yil 26-avgust, № 68 (9029)

ФАЗОВИЙ ЖИСМ ИЛК БОР ЎРГАНИЛДИ

Чилилик ва германиялик астрономлар илк бор юлдузлар туркумига кирувчи қизил Антарес фазовий жисм юзасининг суратини олишга муваффақ бўлди. Бу тасвир орқали юлдузлар яқинида газ тўпланиши жараёнини кузатиш мумкин. Олимларнинг мазкур тадқиқотиға оид мақола «Nature» журналида эълон қилинди.



Антарес Ердан 555 ёруғлик йили ма-софада жойлашган. Астрономлар ушбу улкан фазовий жисмни кузатиш учун Чилидаги Серро Параналь тоғи чўққисига ўрнатилган «Very Large Telescope» телескоплар мажмуаси базасидаги интерферометрдан фойдаланди (интерферометр юқори катталиқдаги фазовий объектларнинг суратини олишда улкан телескоп ўрнида ишлатилади).

Улкан юлдузлар инфракизил диапа-зон орқали 5 кун мобайнида кузатилди. Кузатувнинг тўртинчи куни уларнинг бир-бирига мослашувини суратга муҳрлаш махсус алго-ритм ёрдамида амалга оширилди.

Ушбу гигант жисм 0,7 радиус қалинлиқдаги қатлам билан ўралган. Бе-тельгейз, Орион юлдузлар туркумига кирувчи улкан жисмлар ҳам шундай тузилишга эга, бироқ уларнинг ҳаракатланиши, кўчиб юриши нисбатан секин амалга ошади.

«GALAXY NOTE 8» СОТУВГА ЧИҚАРИЛАДИ

«Samsung» корпорацияси янги «Galaxy Note 8» смартфонини на-моиш этди. Бу ҳақда «Лента.ру» манбасида хабар берилди.



Смартфон 1440x2960 пикселли, 6,3 дюймли экранга эга бўлиб, қурилма кор-пуси IP68 талабларига асосан олов ва сув-дан ҳимояловчи шиша ҳамда металдан ишланган. Шунингдек, «Note 8» Exynos 8895 саккиз ядроли процессор ва олти гигабайт оператив хотирага эга.

Қурилманинг асосий хусусияти шуки, у иккита камерага эга. Иккаласининг мо-дули 12 мегапиксел бўлиб, уларнинг бири

f1.7 ўлчамли кенг бурчак ва Dual Pixel автофокусли тизим, бошқаси иккито-монлама товуш сигнали узатадиган қурилмани ўз ичига олган. Унинг оптик стабилизацияси сирғалувчи фонли портрет режимида тасвирга тушириш имконига эга.


Жорий йилнинг сентябрдан сотувга чиқарилиши мўлжалланган смарт-фон сариқ, қора ва кўк рангларда тақдим этилади.

СЕМИРИБ КЕТИШ САБАБИ АНИҚЛАНДИ

Нидерландиянинг Лейдан университети олимлари тунда очқ қолдирилган ётоқхона деразасидан кирган салқин ҳаво 2 тур-даги диабет ва семизликдан ҳалос этишини аниқлади. Илмий изланиш натижалари «American Journal of Clinic Nutrition» наш-рида босилди.

Тадқиқотчилар АҚШнинг 50 штати, Гуам ороли, Пуэрто-Рико ва Виржиния оролларидаги ўртача ҳарорат ва диабет касаллигига оид маълумотларни ўр-ганиб чиқди. Таҳлиллардан маълум бўли-шича, ҳарорат кўтарилгани сари диа-бетга чалинганлар сони ҳам ортган. Бу ҳарорат иссиқ бўлган уй ва идораларда кўп вақтини ўтказадиган минглаб ода-млар йил бўйи семизлик ва диабетга ду-чор бўлади, деганидир.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ин-сон организмида икки турдаги ёғ тўпла-нади: қаториялар захирасидан ўрин олган оқ ёғ ва қайта ишланиб, энергияга айланувчи ҳамда танани иситувчи жигарранг ёғ. Атрофдаги ҳарорат қанчалик юқори бўлса, танани иситишга шунча кам калория сарфланади, бу эса ортиқча вазн тўпланиши ва диабет ривожланишига сабаб бўлади. Тананинг совishi метаболизм (қувват ва моддалар алма-шинуви) жараёнини тезлаштиради. Тунги салқин шабада эса соатига 400 калория сарфлаш имконини беради.



ҲАФТАДА НЕЧА МАРТА ЧЎМИЛИШ КЕРАК?

Буюк Британиядаги юқумли касалликлар марказий шифохонаси мутахассислари ҳар куни душда чўмилишга одатланган кишилар организмда салбий аломатлар юзага келишини аниқлади.

«American Journal of Clinical Dermatology» нашрида маълум қилинишича, бунга дунё иқли-мидаги кескин ўзгаришларнинг инсон танаси-га бевосита таъсир ўтказётгани сабаб бўли-ши мумкин.

Олимларнинг фикрича, ҳозирги кунда ҳар куни баданини бактериологик жиҳатдан тоза-лаш шарт эмас. Чунки душда ювиниш тер ҳиди-ни кетказди, аммо организмни инфекциялар-дан ҳимоя қилолмайди.

Шифокорлар шу боис ҳафтада бир ёки икки марта душда чўмилиш етарли бўлиб, қолган вақтда юз-кўлни ювиш билан кифояланган маъ-қул, дея таъкидламоқда.

Бундан ташқари, иссиқ душ ва баданга сур-тилган кўпчи терини қуритувчи таъсирга эга. Шу боис терида юзага келган ёрикларга зарарли бактериялар тушиши хавфи мавжудлигини инобатта олиш зарур. Олимлар ҳаво ҳарорати кўтарилган вақтда бутун баданини эмас, терлаган жойнинг ўзинигина ювишни тавсия этмоқда.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ, Зарина АЛИМОВА тайёрлади.



Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика
университети кафедраларида мавжуд
қуйидаги бўш (вакант) ўринга
танлов эълон қилади:

Кафедра мудирини лавозимига:

1. «Рус тили ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси (1).

Танловда қатнашишни хоҳловчилар танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун муддат ичида қуйида-ги манзилга ариза билан мурожаат қилишлари мум-кин:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Низомий номидаги Тош-кент давлат педагогика университетининг ходим-лар бўлими. Мурожаат учун телефон рақамлари: (0-371) 255-68-70, 255-50-79.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жа-моаси математика факультети «Алгебра ва функционал анализ» кафедраси доценти Карим Кургановга волидаи муҳтарамаси
КУНТУРА аянинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

2013 йилда Сурхондарё вилояти Денов «Ҳазорбоғ» иқтисодийёт коллежи томонидан Шотиров Миржалол Зокирович номига берил-ган К № 3027679 рақамли оддий нусхадаги диплом йўқолганлиги боис БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

САРАТОНГА ҚАРШИ ЯНГИ ВОСИТА ТОПИЛДИ

Жанубий Уэльс университети олимлари саратонга қарши янги дори яратгани ҳақида «МИР24» манбасида хабар берилди.

Ушбу препаратни яратиш учун олимлар даставвал компьютер техноло-гиялари ёрдамида дорининг 25 мингта эҳтимолий хусусияти борлигига гувоҳ бўлди. Тадқиқот давомида уларнинг бири ғаройиб самара берган.

Фидойиликни ўргатаётган устоз

Барча даврларда инсонпарвар зиёлилар ўзлари мансуб миллатнинг ақл чироғи, маънавият ва маърифат тарғиботчилари саналган. Тарихдан шу нарса аёнки, бундай шахслар дунёда фақат ўзи учун эмас, балки бошқаларга яхшилик қилиб яшайди. Одамларнинг маънавиятини бойитиш нияти умрбод уларга ҳамроҳлик қилади. Бундай кишилар қалб қўри, тафаккур қудрати билан халқ, хусусан, ёшлар шуурини ёритади. Кўнглига эзгулик улашади. Ушбу фазилатларнинг барчаси талабчан ва ғамхўр устоз, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Хайриддин Маъсудовда мужассамдир. Zero, домла учун бегона одам йўқ. Kim ҳаётдаги бирор муаммоси тўғрисида murojaat қилса, устоз хuddi ўз жигарига йўл кўрсатгани кabi хolis маслахатини аямайди.

Таърибли педагог Тошкент шаҳридаги 45-мактабни тамомлаб, меҳнат фаолиятини қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги заводида чилангарликдан бошлайди. 1964 йилдан шаҳардаги 11-хўнар мактабда фаолиятини давом эттиради. Таълим мактабида ишлаб чиқариш таълими устаси, директор ўринбосари, директор вазифаларида самарали меҳнат қилади. Маҳоратли педагогнинг фидокорона меҳнатлари зое кетмади. Тез орада у раҳбарлик қилган билим юртида тайёрланган мутахассислар эл назарига туша бошлади. Битирувчилар олган билим ва касбий малакалари билан ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида ўзини кўрсат-

гани муассаса нуфузини янада оширди.

Хайриддин Маъсудов ёшларга касб-хўнар сирларини ўргатиш билан бирга мунтазам ўз билим ва таърибасини оширди. Ишдан ажралмаган ҳолда аввал Тошкент электромеханика техникумини, сўнг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти муваффақиятли тамомлади. Соҳадаги изчил амалий фаолияти самараси тўғрисида 1979 йили Республика хўнар-техника таълими давлат кўмитасига ишга таклиф қилинди. У хизмат сафари билан юртимизнинг турли ҳудудларида бораркан, тўғрисида билим ва таърибалари билан ўртоқла-



Ehtirom

шар, янги педагогик ёндашувларни таҳлил этар, самарали таклиф ва ташаббусларни кенг ёйишга ҳаракат қиларди. Шу тариқа ишга масъулият билан ёндашуви таърибали педагогнинг таълим соҳасидаги муҳим вазифаларга тайинлишига сабаб бўлди. Жумладан, устоз ўқув юртли билан бошқармасининг бошлиғи, Халқ таълими вазирлиги касб-хўнар таълими бош бошқармасининг бошлиғи, Халқ таълими вазирининг ўринбосари вазифаларида самарали меҳнат қилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ижтимоий-синоҳий ҳаётда юз берган туб ислохотлар таълим-тарбия соҳасида ҳам ўз ифодасини топди. Давлатимиз томонидан тизимни ислоҳ қилиш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини яратиш бўйича изчил ишлар бошланиб, жараёнга кўллаб таърибали олимлар, педагог-мутахассислар жалб этилди. Улар олдига ҳар томонлама чўқур билимга эга, баркамол авлодни тарбиялаш тизимини жорий этиш вазифаси қўйилиб, бу замон талабига мос янги ўқув режа ва дастурлари, дарсликлар яра-



тиш ҳамда янги турдаги таълим муассасаларини ташкил этишни талаб қиларди. Жараёнда қатнашган Хайриддин Маъсудов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ қисқа вақтда бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган ўрта махсус, касб-хўнар таълими тизими лойиҳасини тайёрлаб, тақдим этди.

Устоз ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган йиллари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида янги турдаги таълим муассасалари — академик лицейи ва касб-хўнар коллежларини ташкил қилиш, давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш, ўқув режа ва дастур-

ларини ишлаб чиқиш ҳамда таъриба-синоҳдан ўтказишда алоҳида намуна кўрсатди. Шунингдек, "Меҳр ва муруват" жамоат фондиди ташкил этишда ҳам фаоллик кўрсатиб, унга самарали раҳбарлик қилди.

Хайриддин Маъсудов таълимни ривожлантириш йўлидаги изланувчанлиги ва ташаббускорлигини изчил давом эттириб, 2010 йили "ўрта махсус, касб-хўнар таълими раҳбар ва педагог ходимлари учун меъърий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами"ни чоп эттирди. 2015 йили Россия Федерациясида ўтказилган халқаро илмий анжуманида Россия Фанлар академиясининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими", Халқаро Педагогика академиясининг академиги, халқаро А.Неболсин мукофоти лауреати бўлди.

Айни пайтда фарзандлари, неваралари ва шогирдлари даврасида қўлғу 80 ёшини нишонлаётган устоз Хайриддин Маъсудов ҳамон руҳан тектик, бардам. ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази директорининг маслаҳатчиси вазифасида тизим ходимлари маслаҳат ва йўл-йўриқлари билан устозлик қилмоқда.

**М.ХОЛМУҲАМЕДОВ,
Ш.СОРАШОВ,
Ж.ШОҒЛИМОВ,
А.ЖАЛОЛОВ**

Таълим ҳаётга тайёргарлик эмас, балки ҳаётнинг ўзидир

"Бошланғич таълим" журналининг галдаги 7-сонини ва- рақар, педагогик фаолиятингизда асқотадиган қизиқарли дарс ишланмалари, таъриб сценарийлари, мулоҳазага қорловчи мақолалар ҳамда ўзига хос, янгича методик тавсиялар билан танишишигиз мумкин.



Jurnallarni varaqlaganda

"Ўқитувчи диққати", "Синаб кўрини", "Методик тавсия", "Жараён", "Таъриба алмашамиз", "Вниманию педагогов" каби турфа руқнар остида эълон қилинган материаллар орқали бошланғич таълим ўқитувчилари янгича ёндашуви ва қарашлар, қолаверса, муҳим маълумотларга эга бўлади. Ойноманинг дастлабки саҳифаларидан бошланғич таълим сифатини оширишга оид "Аънавий август кенгашларининг шўба ва ялли йиғилишларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тавсиялар" ўрин олган.

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан "Ватаним — хур Ўзбекистон" дарс ишланмаси берилган. Мазкур ишланма айни санга бағишланган машғулларда дарсларнинг қизиқарли ўтишига хизмат қилиши шубҳасиз. "I see you" сарлавҳали мақолада инглиз тилини ўрганишга қаратилган дидактик ва ҳаракатли ўйинлар эътиборингизга ҳавола этилган. Улардан мактаб ва тўғарак машғулларидан самарали фойдалангани эълон бўлади. Шунингдек, ўқувчиларда топқирлик, ифодали ва равоқ ўқиш кўникмалари шаклланишига кўмаклашувчи "Ҳалоллик" номли дарс ишланмаси ҳам журнал саҳифаларини безаган.

Таълим соҳасида жиддий ҳавф саналмиш орфографик ҳа- толарга йўл қўйишни бартараф этиш, беҳато ёзишга эришиш, матнлардаги баҳсли нуқталарга

аниқлик киритиш нафақат педагогларни, балки барчамизни қўнаётган масалалардан биридир. Шу маънода муаллиф Нодирхон Турсунованинг "Х деб ёзайми ёки Ҳ?" деб номланган методик тавсияси ўқитувчиларимизга дастуриламал бўлиб хизмат қилишига ишонамиз. Шунингдек, она тили фанидан берилган тест 1-синф ўқувчиларининг олган билимларини мустаҳкамлашига имкон яратади.

"Таъриба алмашамиз" руқнида берилган "Жамоа бўлиб қўйлашда овоз созлаш машқларини унутман!" номли чикиш мусика маданияти дарсларида болалар билан ишлашда қийинчиликка дуч келаётган педагоглар учун айни мудоадир. Мақолада таърибали муаллифнинг мусика психологияси билан боғлиқ тавсиялари ҳам берилган.

Хабарингиз бор, "Меҳнат таълими" фани "Технология" дея ўзгартирилди. "Меҳнат таълими ёки технология" номли мақолада мазкур ўзгаришнинг асосий омиллари билан танишасиз. "Мутахассис минбари" руқнида нашр этилган ушбу мақола ми толоа қилиб, умумтаълим муассасаларида технология ўқув фанини ўқитишнинг асосий мақсоди, вазифалари ҳақида ҳам билиб олишингиз мумкин.

Мухтасар айтганда, ҳар бир мақола таҳлил ва мулоҳазаларга, мутахассислар фикрига асосланганлиги билан аҳамиятли. Жумладан, Зебо Намозованинг "Қисқа муддатли гуруҳлар



болаларни мактабга тайёрлашда муҳим бўлган айланмоқда" мақоласида мактаб таълимининг муваффақиятли ва самарали кечишида мактабга таълим муассасаларининг ўрни хусусида сўз боради. Мақолада келтирилган таҳлиллар, рақамлар, мисоллар, ҳулосалар эътиборингизни тортиши тайин.

"Кўргазмалар қурол" руқнида берилган "Кўнайтириш жадвалини биласизми?" дея аталган кўргазма муштарийлар эътиборига ҳавола этилган. Галдаги саҳифаларда 4-синф ўқувчиларига мўлжалланган "Энг зўққ ўқувчи" номли таъриб сценарийси ўрин олган. "Хориждаги ҳамқасбим" руқнида берилган "Таълим ҳаётга тайёргарлик эмас, балки ҳаётнинг ўзидир" номли мақолада Сингулар давлатининг таълим тизимидан хабардор бўласиз.

Рангли саҳифаларни безаган расмилар кроссворд ҳамда қизиқарли эртак журналнинг мазмундарижасини бойитган. Таърибия аънаҳасига мувофиқ, ҳар уч ойда ўтказиладиган "Маҳорат танлови"нинг якуний натижалари билан ҳам айнан шу сонда танишасиз.

**Нигинабону
ХАБИУЛЛАЕВА**

Хабарнома

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги "2017–2021 йилларда мактабга таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-таъриблари тўғрисида"ги ПҚ-2707-сонли қарори ва Вазирлар Мақамасининг 2017 йил 13 февралдаги 126-Ф сонли фармойиши ижросини таъминлаш, шунингдек, мактабга таълим йўналишидаги илмий-амалий материалларни тўплаш, мавжуд таърибаларни ўрганиш, аниқлаш ва оммалаштириш, илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсидида Мактабга таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази 2017 йил 24 октябрда "Мактабга таълимга қўйиладиган давлат талаблари" асосида сифат ва самарадорлиқни такомиллаштириш, мактабга таълимдаги муаммолар ва ечимлар" мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказди.

Конференция қўйидаги йўналишларда иш олаби боради:

1. Мактабга таълим муассасаларида болаларни жисмоний ривожлантириш ва маданий-гигиеник кўникмаларни шакллантириш.
2. Мактабга ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш ва уларни чет тилларни ўрганишга тайёрлаш.
3. Болаларни ижтимоий-коммуникатив ривожлантириш.
4. Мактабга таълим муассасаларида оила ва маҳалла ҳамкорлигини кенгайтириш, ахлоқий тарбияни кучайтириш.
5. Болаларни бадиий адабиётлар билан таништириш. Илмий-амалий конференция материалларини тўплам ҳолида чоп этиш режалаштирилган.

Конференциянинг расмий тили: ўзбек ва рус тиллари.

Мақолалар матнини тайёрлаш бўйича талаблар:

- 1) Матнлар Microsoft Word матн муҳаррири ёрдамида, Times New Roman шрифтида, 14 ўлчамда, А4 форматли қоғозда, 1,5 интервалда, юқори ва пастдан 2 см, ўнгдан 1,5 ва чапдан 3 см қолдирилган ҳолда тайёрлиниши;
- 2) Мақола матни сарлавҳасидан кейин муаллиф(лар)нинг исм-фамилияси, илмий даражаси, иш жойи кўрсатилиб, бир интервал ташлаб асосий матн келтирилиши;
- 3) Мақолалар ҳажми А4 форматда 3 ёки 5 саҳифадан ошмаган ҳолда 1 нусхада ва электрон вариантда **2017 йил 10 сентябрга** қадар таърирдан чиқарилиб, келтирилган талаблар даражасида ташкилий кўмитага етказилиши;
- 4) Конференцияга тақдим қилинадиган материаллар мавзунини акс эттириши ва қайси йўналишга мослиги кўрсатилиши керак.

Мақолалар илмий-амалий савияси бўйича ташкилий кўмита томонидан танлаб олинади. Матнларда келтирилган маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир. Мақоланинг ҳар бир саҳифаси учун 10 000 сўм бадал пули тўланади.

Конференциянинг ўтказилиш жойи ва манзили: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй, МТМХҚТУМОРУММ, факс: (0-371) 246-98-04, тел.: (93) 594-57-99. E-mail: mtm_markaz@xtv.uz

Ташкилий кўмита

2017-yil 26-avgust, № 68 (9029)

Кичик футболчининг катта орзулари

Яшил майдонда алдамчи ҳаракатлар билан дарвоза сари жон-жаҳди билан интилайтган футболчини кўрганда завқингиз келади. Ҳинни майдон ташқарисидо туриб томоша қилиш бошқая, турли жисмоний машқлар, танани чиниқтирувчи ҳаракатларга тўла машғулотлар жараёнини кузатиш бошқая. Бунга «Пахтакор» болалар футбол клубининг етакчи ўйинчиси, ўнг қанот ҳужумчиси, 14 ёшли Самандар Эшонхўжаев иштилоларини кўриб, яна бир қарра амин бўлдик.



Iqtidorli yosh sportchi



Жуссаси тенгдошлариникига нисбатан кичикроқ болакайнинг эпчил ҳаракатларини кўриб, «мураббийлари мактаганича бор экан-да», дедик. Офтоб тигига қарамай, мураббий Дмитрий Ан бошчилигида машғулотларга киришган болалар ичидан Самандарни ажратиб олиш қийинмас.

Уни «Пахтакор»га раҳматли отаси етаклаб келган. Оиласининг хайрихоҳлиги ва қўллаб-қувватлаши билан ўз қизиқиши ва интилишларни рўйбени кўрпяти. Самандарнинг айтишича, бугун отасига берган ваъдасининг устидан чиқиб, машхур футболчи бўлиш учун интильмоқда.

Ўғлининг Биродар Абдураимов, Олим Аширов, Миржалол Қосимов, Шухрат Мақсудов, Максим Шацких каби номдор футболчи бўлиб етишишини орзу қилган ота фарзандининг ҳар бир ўйини, ҳатто машғулотларини қолдирмай кўргани келар, йўл-йўлакай Самандарга ўз фикрларини айтиб, кўнглини тоғдек қўтарарди. Айни кез ана шу далдаларнинг ўрни сезилади, аммо ҳар сафар майдонга тушганида томошабинлар орасида отаси «Олга бос, Самандар!» дея хайқираётгандек туюлаверади. Бундан у куч олади, галабага иштиёқи ошади.

Самандар сузишни ҳам ёқтиради. Маълум вақт ушбу спорт тури билан ҳам шуғулланган. Тўғри-да, сузиш йигит кишининг янада чиниқшишига

ёрдам беради. Бироқ ҳозир асосий кучини футболга қаратган. Ҳатто бўш вақтида ҳам футбол билан машғул бўлади. Клубдаги машғулотлар тугагач, уйлари ёнидаги стадиончада машқ қилади.

Тошкент туманида истиқомат қилувчи Самандарнинг ҳовлисида ҳам футбол майдончаси бор. Сунъий чим ётқизилган, атрофи тўсиқлар билан ўралган майдончани Самандарга амакиси — футболнинг ашаддий ишқибози Султонхўжа Эшонхўжаев кўриб берган.

— Ҳар қандай истеъдодни тинимсиз машқ тоблайти — футболда ҳам шундай, — деди Султонхўжа ака. — Самандар дярли ҳар кун шуғулланиш учун футбол мактабига боради, аммо 2-3 соатлик машғулотлар чинакам футболчи бўлиш учун камлик қилади. Шу боис уйда ҳам ўз маҳоратини ошириши, жисмонан чиниқиши ва мураббийлари берган вазифаларни бажариши учун кичик майдонча қурдик. Айни кез бу ерда нафақат Самандар, балки унинг укалари, жиянлари, баъзан ўзимиз ҳам мириқиб тўп тепамиз.

Айтганча, стадион ёнида сунъий сув ҳавзаси бўлиб, у ҳам болалар билан гавжум. Ҳовлининг яна бир бурчагида қизлар бадминтон билан шуғулланипти. Очиғи, бу ҳовлимиз ёки спорт мажмуасини, деб ўйлаб ҳам қолдик. Мухими, шу маҳалланинг, шу хонадон болаларининг вақти бекор ўтма-

япти, спорт билан шуғулланиб, соғлом улғаймоқда. Спорт эса яхшиликка, мардлик ва дўстликка етаклайди.

— Кўшнилариимиз орасида ўғлимга ҳавас қилиб футболчи бўлиш истагида юрган болалар кўп, — деди Самандарнинг онаси Муҳаббат Эшонхўжаева. — Шунданми, айрим ота-оналар ҳали Самандарнинг ўзи кўп нарсаларни ўрганиши кераклигига қарамай, фарзандларини олиб келиб, футбол ўйнашни ўргатишини сўрайди. Бундан хурсанд бўламан, албатта. Майли-да, ахир болалар жисмоний тарбия билан банд бўлса, кам бўлмайди.

Дарвоқе, Самандар тўп сураётган «Пахтакор — 2003» жамоасида иқтидорли болалар кўп. Галабага чанқоқ ўспиринлар мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Ўтган йили Қозоғистонда кечган мусобақада ҳам 3-ўринни қўлга киритган жамоа вакиллари мураббийлари юзини ёруғ қилди. Тошкент шаҳар чемпионатида 4 йилдан бери чемпион бўлмоқда.

Самандар нафақат спорт майдонидо, балки мактабда ҳам фаол бўлишга интилади. Жисмоний тарбия дарсини, кў, айтмасам ҳам бўлади. Тез югуриш, узоққа сакраш, баскетбол, волейбол ўйинлари дейсизми, барига эпчил ва тезкор, синфдошларига намуна. Геометрия ва алгебрадан имкон қадар яхши ўқишга интилади. Чунки бу фанлар боланинг мантикий фикрлашини, хотирасини ривожлантиради. Бу футболчи учун жуда муҳим.

— «Барселона», «Арсенал» ва «Ливерпуль» жамоаларига ишқибозлик қиламан. Машхур футбол юлдузларидан Лионель Месси ва Неймарнинг муҳлисиман. Уларнинг ўйинини кузатиб, дриблинглари, рақиб сари бургутдек ташланишини кўриб илҳомланаман, — дейди Самандар.

Ҳар бир футболчининг ўз ўйин услуби бўлиши керак. Акс ҳолда, уни ҳеч ким эслаб қолмайди. Самандар ҳам ўз услубини топшига интиляпти. У тўпни ҳар иккала оёқда тепа олади, аммо чап оёқда зарба йўллаш кўпроқ ёқади. Бу рақиб химоячилари ва дарвозабонига ноқулайлик тугдиради. Самандар мана шу хислатини ривожлантириб, келажакда Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳужум чизигидан жой эгалламоқчи. Ширин орзулар оғушида яшайтган ёш футболчи юксак марраларни забт этишида омад тилаймиз.

Ирода **ТОШМАТОВА**, «Ma'rifat» мухбири



Куръа ташланди

Франциянинг Монако шаҳридаги «Grimaldi Forum» саройида Европа футбол иттифоқи (UEFA)нинг ўтган мавсум якунларига бағишланган тадбири ташкил этилди.

«ТАСС»да ёзилишича, мазкур кечада Европа чемпионлар лигасининг навбатдаги баҳсларига куръа ташланди. Унга куръа, жамоалар тўрттадан саккиз гуруҳга бўлинди: «А» гуруҳи: «Бенфика», «Манчестер Юнайтед», «Базель», ЦСКА; «В» гуруҳи: «Бавария», «ПСЖ», «Анדרлехт», «Селтик»; «С» гуруҳи: «Челси», «Атлетико», «Рома», «Қорабос»; «D» гуруҳи: «Ювентус», «Барселона», «Олимпиакос»; «Спортинг»; «Е» гуруҳи: «Спартак», «Севилья», «Ливерпуль», «Марибор»; «F» гуруҳи: «Шахтёр», «Манчестер Сити», «Наполи», «Фейеноорд»; «G» гуруҳи: «Монако», «Порту», «Бешикташ», «РБ Лейпциг»; «H» гуруҳи: «Реал», «Боруссия» Д, «Тоттенхэм», АПО-ЭЛ.

ДЕМБЕЛЕ «БАРСА»ГА ЎТМОҚДА

Дортмунднинг «Боруссия» клуби ва «Барселона» жамоаси француз футболчиси Усмон Дембеле трансфери бўйича келишувга эришгани ҳақида «L'Equipe» газетаси хабар берди.

Нашрда келтирилишича, испан гранди 20 ёшли ҳужумчи учун «Боруссия»га 150 млн евро тўлайди. Шунингдек, ушбу кийимга бир қатор бонуслар ҳам илова қилинмоқда.

Дембеле «Барселона» билан 5 йиллик шартнома тузиши мумкин. Усмон ўтган мавсумда дортмундликлар таркибидо 49 матч ўтказиб, 10 та голга муаллифлик қилган. «Барса» У.Дембеледан ташқари «ПСЖ» вакили Анхель ди Марияни қўлга киритишга ҳам яқин турибди.



ЖАРОҲАТИ ПАНД БЕРДИ

Канадалик теннисчи Милош Раонич чап билагидаги жароҳат туфайли АҚШ очиқ чемпионатида қатнашолмайдиган бўлди, дея хабар тарқатилди мазкур турнирнинг «Twitter»даги саҳифасида.

Иқтидорли спортчи бироз олдин Монреал шаҳрида 7—13 августда ўтказилган «Мастерс» туркумидаги мусобақага ҳам қақчилган. Бироқ ўшанда ҳам жароҳат туфайли тақдир рад этилган. Қолаверса, у Цинциннатидоги мусобақага ҳам келолмаган.

Профессионал фаолиятини 2007 йилда бошлаб, саккизта турнирда зафар қўнган Раонич айни кез ATP рейтингинда 11-ўринда бормоқда.

АҚШ очиқ чемпионати 28 августдан 10 сентябргача ўтказилади.

МАХСУС КАМАР ТАҚДИМОТИ

Жаҳон бокснинг кенгаши (WBC) америкалик чарм қўлқоп соҳиби Флойд Мэйуэзер ҳамда ирландиялик аралаш жанг (MMA) устаси Конор Макгрегор жанги голиби учун махсус камар тайёрлаб қўйди.

«ТАСС»да ёзилишича, ташкилот раҳбари Маурисио Сулаймон бу ҳақда матбуот анжуманида маълум қилган ва камар намоёйиш этилган. Камар тимсоҳ терисидан ишланган бўлиб, унга 1,5 кг олтин, 3360 бриллиант, 600 ёқут, 300 зумрад тош қадаб чиқилган.

Макгрегор ва Мэйуэзер ўртасидаги муштлашув эртага Лас-Вегас шаҳрида бўлиб ўтади.



ЯПОНЛАРНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Беларус полвони Ванесса Колодинская Парижда бўлиб ўтаётган эркин кураш бешлашувларида -53 кг вазн тоифасида олтин медаль соҳибасига айланди, дея хабар берди «Спорт» нашри.

24 ёшли Ванесса финал баҳсида 2016 йилги жаҳон чемпионати голиби — япониялик Маи Мукайдани енгни. Беларуслик спортчи 2012 йили Канадада ўтказилган мусобақаларда ҳам (-48 кг вазнда) тенгсизлигини исботлаган. Шунингдек, у 2017 йили Европа чемпиони бўлди.

Эйтиборлиси, яна уч нафар япониялик спортчи — Ую Сасаки -48, Рисако Каваи -63 ва Сара Досёга -69 кг вазн тоифаларида баҳсга киришиб, финалда Маидан фарқли равишда галаба қозонди.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

Ёш теннисчилар баҳслашди


Нукус шаҳрида теннис бўйича 14 ёшдан юқори бўлган ўғил болалар ва қизлар ўртасида Қорақалпоғистон Республикаси кубози мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 75 нафар спортчи 12 жамоа таркибидо баҳс олиб борди.

Мустақиллигимизнинг йигирма олти йиллиги арафасида ёш истеъодларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган мусобақанинг ўғил болалар ўртасидаги баҳсида Қорақалпоғистон Республикаси энгил атлетика ва ўйин турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари Қ.Нурлибоев, А.Одилбоев,



А. Ҳўжаниёзов, Н.Обитов голибликни қўлга киритди. Қизлар ўртасида Нукус шаҳридаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан Т.Дуйсенбоева, Ш.Иброҳимова, Б. Аллабергенова ва У. Султамуратова пешқадамлик қилди.

Ўза фотомухбири **Мақсад ХАБИБУЛЛАЕВ** олган сурат.



ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ

Мухтарам юртдошлар!

**Барчангизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг
26 йиллик байрами билан муборакбод этамиз!**

**Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
2017 йилдан бошлаб "Шарқ юлдузи", "Ёшлик", "Жаҳон адабиёти"
журналлари ҳамда "Китоб дунёси" газетаси кутубхонаси
руқнида ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини нашр
этишини бошлади. Сизга тақдим этилаётган ушбу нодир асарлар
қалбингизга нур ва маърифат олиб киради, деб ишонамиз.**



Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент шаҳри,
Лабзак кўчаси, 86-уй. Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99895) 144-41-82,
(+99893) 791-00-70, (+99895) 195-42-42. www.gglit.uz, e-mail: info@gglit.uz.

**Маҳсулотлар сертифицикатланган.
Хизматлар лицензияланган.**

Ma'rifat

ТА'СИС
ETUVCHILAR:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
ta'lim vazirligi, Ўзбекистон
Та'лим, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. Г-815. Tiraj 34151.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi А-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Xayriddinmurod ABULFAYZOV.
Navbatchi:
Faxriddin RAHIMOV.

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonangiz manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 21.25 Topshirildi — 23.03

123 56